ЭРТАГА—БУЮК ҒАЛАБА КУНИ!

Халқимиз, ер юзидаги бутун прогрессив инсоният Совет Қуролли Кучларининг Улуғ Ватан урушида немис-фашист босқинчилари устидан эришган оламшумул-тарихий ғалабасининг шонли 20 йиллигини нишонлайдилар.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашиниз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47 йил чиқиши
№ 106 (13.062).
8 МАЙ 1965 йил
ШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Совет халқи Улуғ Ватан урушида фашистлар Германияси устидан қозонган ғалабанинг 20 йиллигини нишонлаш юзасидан, немис-фашист босқинчиларга қарши курашда қаҳрамонлик, мардлик ва жасорат кўрсатганлик учун ҳамда республика халқ хўжалигини ривожлантиришда актив қатнашганлиги учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан Совет Иттифоқи Қаҳрамонларидан 108 киши Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СОВЕТ АРМИЯСИНИНГ ГЕНЕРАЛЛАРИ, ОФИЦЕРЛАРИ, СЕРЖАНТЛАРИ ВА СОЛДАТЛАРИГА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Улуғ Ватан уруши йилларида немис-фашист босқинчиларга қарши кураш фронтларида қўмондонликнинг жанговар топшириқларини намунали адо этганликлари ва бунда жасурлик ҳамда қаҳрамонлик кўрсатганликлари учун қуйидагиларга вафотидан кейин **Совет Иттифоқи Қаҳрамони** унвони берилсин:

1. Младший лейтенант **Борисов** Михаил Алексеевичга.
2. Сержант **Боровиченко** Мария Сергеевнага.
3. Полковник **Борсоев** Владимир Бузинаевичга.
4. Старший сержант **Буюкли** Антон Ефимовичга.
5. Армия генерали **Ватутин** Николай Федоровичга.
6. Старший лейтенант **Гагкаев** Алихон Андреевичга.
7. Лейтенант **Гридинский** Александр Ивановичга.
8. Оддий аскар **Ершов** Виктор Егоровичга.
9. Лейтенант **Кижеватов** Андрей Митрофановичга.
10. Генерал-майор **Раҳимов** Собирга.
11. Лейтенант **Усов** Виктор Михайловичга.
12. Старший сержант **Ҳакимов** Неъматжонга.
13. Старший сержант **Харченко** Федор Алексеевичга.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. МИКОЯН.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.
Москва, Кремль. 1965 йил 6 май.

СОВЕТ АРМИЯСИНИНГ ОФИЦЕРЛАРИ ВА СЕРЖАНТЛАРИГА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Улуғ Ватан уруши йилларида немис-фашист босқинчиларга қарши кураш фронтларида қўмондонликнинг жанговар топшириқларини намунали адо этганликлари ва бунда жасурлик ҳамда қаҳрамонлик кўрсатганликлари учун қуйидагиларга **Совет Иттифоқи Қаҳрамони** унвони берилсин, **Ленин** орденлари ва **«Олтин Юлдуз»** медаллари топширилсин:

1. Запасдаги подполковник **Конукоев** Назир Титуевичга.
2. Запасдаги подполковник **Левченко** Ирина Николаевнага.
3. Запасдаги сержант **Охлопков** Федор Матвеевичга.
4. Запасдаги старший лейтенант **Тимофеева (Егорова)** Анна Александровнага.
5. Запасдаги капитан **Фролов** Александр Павловичга.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. МИКОЯН.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.
Москва, Кремль, 1965 йил, 6 май.

„Советский художник» нашриёти ғалаба кунига бағишлаб рассомлар Б. Березовский билан Е. Халдей ишлаган плакатни чиқарди. (ТАСС фотохроникаси).

АБАДИЙ СЎНМАС ҚАҲРАМОНЛИК

Совет Иттифоқи Қаҳрамони генерал-майор Собир РАҲИМОВ.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони старший сержант Неъматжон ҲАКИМОВ.

САМИМИЙ ТАБРИКЛАР

Немис халқи фашизмдан озод қилинганлигининг 20 йиллиги муносабати билан Совет Иттифоқи партия ва ҳукумат раҳбарлари Германия Демократик Республикасининг раҳбарлари номига табриномa йўлладилар. Улар бу табриномада совет халқи номидан Германия Демократик Республикасининг меҳнаткашларига ва ГДР раҳбарларига қардошлик саломини топширдилар ва миллий байрам билан уларни самимий қутладилар.

Табриномада айтилдики, ўтган йигирма йил ичида немис ерида тинчлик ва демократия давлати бўлган Германия Демократик Республикаси вужудга келди ва ривожланмоқда. Бу давлат Потсдам битимларининг юксак принципларини амалга оширди ва тинчлик сиёсатини қарор топдириш учун кураш олиб боришни ўзининг миллий вазифаси деб эълон қилди.

Совет Иттифоқи билан Германия Демократик Республикаси ўртасида қардошлик муносабатлари муваффақиятли ривожланмоқда ва янада мустаҳкамланиб бормоқда. Бу муносабатлар дўстлик, ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома билан мустаҳкамланган. Дўстимиз ва иттифоқчимиз бўлган Германия Демократик Республикасига, унинг давлат чегараларининг дахлсизлигига қилинадиган ҳар қандай ҳамла бирлашган қаршиятчи зарбага учрайди, деб таъкидланади табриномада.

Совет Иттифоқининг коммунистлари, совет халқи халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг бирлиги учун, тинчлик ва социализм кучларини янада мустаҳкамлаш учун курашга Германия Бирлашган социалистик партияси қўшаётган тарихий ҳиссага юксак баҳо берадилар, дейилади табриномада. (ТАСС).

ҚИЗИЛ МАЙДОНДА ҒАЛАБА КУНИДА ПАРАД

Ғалаба куни 9 майда Москвада Қизил майдонда Москва гарнизони қўшинларининг паради бўлади. Парадни мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали Р. Я. Малиновский қабул қилади.

Парад эрталаб соат 10 да бошланади. (ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

«КРАСНАЯ ЗВЕЗДА» ГАЗЕТАСИНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Армия ва флотнинг шахсий составини, совет ёшларини совет халқининг, унинг Қуролли Кучларининг қаҳрамонона традициялари руҳида тарбиялаш ва жангчиларни янги ҳарбий техникани эгаллаш, қўшинларнинг жанговар тайёрлигини оширишга сафарбар этиш соҳасидаги катта самарали ишлари учун **«Красная звезда»** газетаси **Ленин** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. МИКОЯН.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.
Москва, Кремль, 1965 йил, 6 май.

УЛАРНИНГ ЖАСОРАТЛАРИНИ ХАЛҚ УНУТМАЙДИ

СССР Олий Совети Президиуми Улуғ Ватан уруши йилларида немис-фашист босқинчиларга қарши кураш фронтларида қўмондонликнинг жанговар топшириқларини намунали адо этганликлари ва шу топшириқларни адо этиш вақтида жасурлик ва қаҳрамонлик кўрсатганликлари учун совет жангчиларидан 18 кишига совет халқининг улуғ байрами — Ғалаба куни арафасида Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берди.

СССР Олий Совети Президиумининг 1965 йил 6 майдаги Фармонига биноан, Улуғ Ватан уруши қатнашчиларидан 31.399 киши ана шу уруш даврида немис-фашист босқинчиларга қарши олиб борилган жангларда жанговар ўрнак кўрсатганликлари учун СССР орденлари ва медаллари билан мукофотландилар. Шу жумладан 2 киши Ленин ордени билан, 10 киши Қизил Байроқ ордени билан, 656 киши I даражали Ватан уруши ордени билан, 4.115 киши II даражали Ватан уруши ордени билан, 5.993 киши Қизил Юлдуз ордени билан, 3.100 киши III даражали «Шуҳрат ордени» билан ҳамда 8.994 киши «Жасурлиги учун», 8.523 киши «Жанговар хизматлари учун» медаллари билан, шунингдек, 4 киши Ушаков медали билан ва икки киши Нахимов медали билан мукофотланди.

* * *

Улуғ Ватан уруши йилларида душманга қарши курашда бениҳоя довюраклик, мардлик ва матонат кўрсатган чинакам совет баҳодирлари ва халқнинг азамат қизларидан ўн саккиз киши олий унвонга сазовор бўлди. Уларнинг кўпи Ватанни ҳимоя қила туриб, жангда ҳалок бўлган. Лекин бу қаҳрамонларнинг хотираси ҳамиша барҳаёт, ҳамиша яшайди. Аксинча, уларнинг кўрсатган жасоратлари йиллар ўтган сайин тағин ҳам салобатли бўла беради.

Авиазвено командири младший лейтенант Михаил Алексеевич Борисов 1942 йил 10 августда Новороссийск ёнидаги ҳаво жангида ҳалок бўлди. Душманнинг бешта самолётига етакчилик қилиб бораётган машинага ҳужум қилиб, уни уриб туширди. Шу пайт Борисовнинг самолёти ҳам ёниб кетди. Қаҳрамон ўзини парашют билан ташлаб юрмади, аланга олиб турган машинасини «Хейнкель-111»га йўналтириб, уни тумшуғи билан уриб туширди, шундан кейин қулаётган вақтида душманнинг яна бир ҳаво қароқчисига бориб урилиб, унинг думини шартта ажратиб юборди. Ёниб турган самолётнинг тумшуғи билан кетма-кет душманнинг икки қўғунини шундай уриб туширишни ўйлашгача сира мисли кўрилмаган қаҳрамонлик эди!

Лейтенант Александр Иванович Гридинский ҳам Чналов тоифасидаги учувчилардан эди. Унинг учувчилик маҳоратини ва қола берса, энг характерли фазилатини қуйидаги мисолдан кўриш мумкин. Курск дугасида фашистларнинг танк колоннасига ҳужум қилинган маҳалда, Гридинскийнинг бир ўртоғи бошқаробётган самолётга ўқ тегиб, ерга қўнишга мажбур бўлди. Гридинский душман тўпга тутиб турганига қарамай, самолётини унинг ёнига қўндириб, жанговар дўстини машинага ўтқазгач, яна осмонга парвоз қилди.

Ҳозир Бошқирдистон АССР Алшев районидаги Новая Константиновка мактабида ўқитувчилик қилаётган запасдаги капитан Александр Павлович Фролов 475 марта осмонга кўтарилиб, топшириқни муваффақият билан бажариб қайтди, гитлерчиларнинг 20 та самолётини уриб туширди. Авиаэскадрильяннинг собиқ командири, запасдаги подполковник, кабардалик Назир Титуевич Конукоев ёвнинг 30 та самолётини яксон қилди.

Қаҳрамонлар учун тўлғазилган мукофот варақаларини кўздан кечирар экансан, уруш йилларининг даҳшатли нафасини, совет кишисининг юксак ватанпарварлиги ва бениҳоя матонати тўлароқ намоён бўлган жанг шиддатини сезиб турасан, киши. Оддий аскар Виктор Егорович Ершов билан старший сержант Неъматжон Ҳакимов фашистларнинг 16 та танки билан рўпарама-рўпара келиб қолишганида, танкка қарши отиладиган қуроллариннг снарядлари ва патронлари тугаган эди. Ершов белига граната боғлаб, шиддат билан келаётган «йўлбарс» остига ўзини ташлади. Унинг жанговар ўзбек ўртоғи ҳам шундай қилди. Ҳакимов белидаги бир боғлам граната билан иккинчи «йўлбарс» тагига ўзини отди. Душманнинг қолган машиналари совет солдатларининг жанговар шаҳватидан ларзага келиб, қўрқанидан орқага қочиб берди. Босиб олинган плацдарм қўлда сақлаб қолинди, қисмларимиз дарёдан кечиб, Ровно йўлида ҳужумни авж олдирдилар.

Қаҳрамонлар орасида хизмат кўрсатган командирлар бор. Уларнинг ташкилотчилик ва жанговар таланти фашист босқинчиларга қарши олиб борилган жангларда ёркин намоён бўлди.

Душман устидан ғалаба қозониш учун кўп ишлар қилган атоқли саркарда, армия генерали Николай Федорович Ватутининг Ватан олдидаги хизматлари катта. Н. Ф. Ватутин босқинчиларга қарши олиб борилган жангларда шахсан ботирлик ва мардлик кўрсатди. Фрунзе номли ҳарбий академия талабаси полковник Владимир Бузинаевич Борсоев артиллерия дивизиони командирлигидан гвардиячи алоҳида қирувчи-танкка қарши бригада командирлигигача бўлган йўлни босиб ўтди. Курск жангида, Днепр ва Висла дарёларини кечиб ўтишда қаҳрамонлик кўрсатди. Польша тупроғини озод қилишнинг бошқа бир қатнашчиси, 37-гвардиячи ўқчи дивизия командири генерал-майор Собир Раҳимов қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

Марҳум старший лейтенант Алихон Андреевич Гаткаевга юксак унвон берилди. Унинг батареяси Курск дугасидаги жангда гитлерчиларнинг танклари уч бор қилган ҳужумни даф этди, душманнинг 17 та машинасини, шу жумладан фашистлар биринчи марта жангга солган «йўлбарс» ва «фердинанд»ларни ёндириб юборди ва шикастлантирди. Брест қалъасининг ҳимоячиси — Брест чегарачилар отряди заставасининг бошлиғи лейтенант Андрей Митрофанович Кижеватов. Гродно чегарачилар отряди заставасининг бошлиғи лейтенант Виктор Михайлович Усов, шунингдек Волхов фронтида шуҳрат тараттан, 387 та фашистни қирган ўткир мерган старший сержант Федор Алексеевич Харченко, Александр Метросовнинг афсонавий жасоратини такрорлаган старший сержант Антон Ефимович Буюкли Қаҳрамон деган унвон билан тақдирландилар.

Ёвларнинг додини берган Калинин фронтининг энг яхши мергани Федор Матвеевич Охлопков қаҳрамонлик унвони олгани ҳақидаги хабарни ўзи яшаб турган якут қишлоғида эшитди.

Шонли ватанпарвар аёлларимиз—хотин-қизлар орасидан биринчи марта етишиб чиққан таниқли командир, ҳозир запасдаги подполковник, ёшлари ва жамоат арбоби Ирина Николаевна Левченко, «штурмчи авиациянинг ажойиб учувчиси, 300 мартадан кўпроқ жанговар парвоз қилиб, душманнинг кўпгина танклари, тўплари ва қўшинларини яксон этган запасдаги старший лейтенант Анна Александровна Тимофеева (Егорова)лар қаҳрамонлар рўйхатида фахрли ўринда туришибди. Жасур санитарка, разведкачи Мария Сергеевна Боровиченкога қаҳрамон деган юксак унвон вафотидан кейин берилди.

Биз энг юксак унвонни олишга сазовор бўлганлар ҳақида қисқача гапириб ўтдик. Уларнинг номлари абадий барҳаётдир. Ленин Улуғ Ватан урушида совет кишилари оммавий қаҳрамонлик кўрсатдилар. Миллион-миллион солдат ва офицерларнинг шижоаткорликлари, фронт орқасидаги меҳнаткашларнинг шонли ишлари биргаликда қўшилиб, бутун совет халқининг мисли кўрилмаган жасоратига айланди, шунинг натижасида совет халқи фашист агрессорга кескин зарба берди ва гитлерчилар Германиясини тор-мор келтирди.

Ватан ўғлонлари ва қизларининг жасоратларини унутгани йўқ. 1944 йилдан бери урушнинг бир ярим миллиондан кўпроқ қатнашчиси мукофотлар билан тақдирланди. Иккаси ҳукумат мукофотлари билан тақдирланмаган собиқ жангчиларнинг яна бир катта группаси Ғалаба куни бўсағасида СССР орден ва медаллари билан мукофотланди.

112-ўқчи дивизиянинг медицина ҳамшираси, Волгограднинг қаҳрамон ҳимоячиси Антонина Моисеевна Давидова Ленин ордени билан мукофотланди. У қўлига қурол олиб, гитлерчиларнинг ҳужумларини даф этишда неча марталаб қатнашган. Ҳозир А. М. Давидова Томск-1 станциясида темир йўл стрелкачиси бўлиб ишламоқда, ўзи коммунистик меҳнат бригадасининг аъзоси.

Бомбардимончи самолёт экипажининг собиқ командири Аркадий Михайлович Ковязин ҳам ана шундай юксак мукофот билан тақдирланди. Фашистлар унинг самолётини икки марта уриб туширдилар. Биринчи сафар у фронт чизиғига етиб олиш учун беш кечаю кундуз йўл босди, фронтдан ўтиб, ўз полкига етиб келди. Иккинчи сафар уни асир қилиб олишди ва аэродромда ишлаш учун юборишди. Бу ватанпарвар бошқа ҳарбий асирлар билан бирга, душман самолётида қочишдек дадил режани тузиб, уни амалга оширди. А. М. Ковязин «Уралэлектромонтаж» трестига қарашли Свердловск монтаж бошқармасида электр слесарлар бригадасининг бошлиғи бўлиб ишламоқда.

Совет кишилари Ғалаба байрамини кутиб олар эканлар, ўз қаҳрамонларини, озодлик урушининг барча актив қатнашчиларини муборакбод қилмоқдалар. Совет кишилари ҳалоқ бўлган жангчилар хотираси олдида бош эгиб, Октябрнинг улуғ ғалабаларига, Ленин партияси ишига содиқмиз, деб қасамёд қилмоқдалар.

Зафар сатрлари

ҚАШҚАДАРЕ. Чироқчи районидаги «Восход» совхозида баҳорги жун қирқими муваффақиятли бормоқда. Ҳар бош қўйдан 3 килограммдан сифатли жун қирқиб олиняпти. Ўртоқ Маматқул Эрназаров бошлиқ 2-бўлимда жун қирқими тугалланай деб қолди.

П. Гадоев.

●

АНДИЖОН. Янгиқўрғондаги «Ленинизм» колхозининг илғор чўпони Турсунбек Урмонов ўз отарларидаги совлиқларнинг ҳар юз бошидан 248 тадан қўзи олди.

А. Насриддинов.

●

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР. Амударё районидаги Энгельс номли колхозда чўчқачилик тез ривожланмоқда. Моҳир чорвадор ўртоқ П. Тепляшин ўз қарамоғидаги ҳар бир чўчқани 110 килограммгача семиртириб, гўштга топширмоқда.

С. Қутлимуродов.

●

САМАРҚАНД. «Ғозғон» совхози чорвадорлари шу нунгача қўзиларган ҳар юз совлиқ ҳисобига мажбуриятдаги 128 ўрнига 147,6 тадан қўзи олдилар. Давлатга қоракул тери етказиб бериш плани ошириб бажарилди.

М. Раҳматов.

●

АНДИЖОН. Наманганди «Ленинизм» колхози аъзолари йиллик тухум топшириш планининг бажарилганлиги ҳақида рапорт бердилар.

М. Холмирзаев, Д. Турғунов.

ҒЎЗАНИ ҚАЧОН ПАРВАРИШ ҚИЛАСИЗ?

Бу йил Янгийўл районининг пахтакорлари она-Ватанга 51 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш мажбуриятини олишган. Лекин ҳозирги иш бу мажбуриятга яраша деб бўлмайди.

Назарали Ниёзов номли колхозда ғўза қатор ораларини ишлаш ниҳоятда суст боряпти. Бу ерда ҳар бир агрегат кунига ўрта ҳисобда 1,5-2 гектар ерни культивация қиляпти, холос. Колхоз раҳбарлари агрегатларнинг иш унумини ошириш тўғрисида ҳам, пайкалларни суғориш тўғрисида бош қотириб қурмаётирлар.

Райондаги «Москва», Энгельс номли, С. Раҳимов номли, Калинин номли колхозларда ва «Халқобод» комбинатида ҳам ғўза парваришини уюшқоқлик билан сифатли ўтказишга етарли эътибор берилмаётир. Районнинг, хўжаликларнинг раҳбарлари ғўза парваришини кучайтириб юбориш учун зарур бўлган барча чоратадбирларни кўришлари керак.

Ш. ШОРАҲМЕДОВ.

ШОЛИ МАКОНИ

Қорақалпоғистон АССРда ўтган йилдагига қараганда бир ҳафта илгари шоли экишга киришилди. Бу қимматбаҳо экин қамишзорларда ўзлаштирилган ўн уч минг гектардан кўпроқ майдонни эгаллайди. Давлатга бир ярим миллион пуд марваридек оқ дон топширилади. Ўрта Осиёнинг энг катта дарёси — Амударёнинг қуйи соҳиллари мамлакатнинг шоли маконига айлантирилади. Республика Министрлар Советининг раиси Ережеп Айтмуротов ЎзТАГ мухбири билан суҳбатда шундай деди. 1970 йилга бориб Қорақалпоғистонда шоликорлик майдони етти баравар кенгайтирилади, тахминан 10 миллион пуд ҳосил етиштирилади. 1980 йилга бориб Қорақалпоғистон саксон миллион пуддан знёд шоли етиштиради. Мана ҳозирнинг ўзидаёқ барча майдонларда уруғ машиналарда сепилмоқда, экин майдонлари самолётлардан озиқлантирилмоқда, экинлар гербицидлар билан дориланмоқда.

ЧОРВАДОРЛАР ЮТУҒИ

Хўжайли районидаги «Хатеп» совхози чорвадорлари давлатга гўшт топшириш ярим йиллик топшириғини муддатидан анча илгари бажарилганлиги ҳақида рапорт беришди.

Совхоз чорвадорлари ҳозир пландан ташқари гўшт топширяптилар.

Р. ЕШИМБЕТОВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЯШИЛ КВАДРАТЛАР

СИРДАРЕ. Мирзачўл ерларида ташкил этилган 17-пахтачилик совхози далаларида яшил квадратлар пайдо бўлди. Биринчи участканинг 3-бригадасида биринчи культивация тугалланай, деб қолди.

Қ. ЭШМАТОВ.

ҚАЙНОҚ КУНЛАР

СУРХОНДАРЕ. 1230 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан «оқ олтин» топширишга аҳд қилган Шўрчи районидаги Киров номли колхоз аъзолари ғўза қатор ораларини культивация қилишни кун сайин жадаллаштирмоқдалар.

Олчибой Бойжуродов, Кенжа Абдурахмонов, Унгал Норинова, Абдураим Шоймардонов ўртоқлар бошлиқ илғор бригадаларнинг аъзолари биринчи парваришни тез кунда тамомлаш мақсадида ишчи кучи ва техникадан оқилона фойдаланаётирлар.

Х. ЭШОНҚУЛОВ.

КУЧ-ҚУДРАТ ВА ТАРАҚҚИЁТ ТАНТАНАСИ

БЕРЛИНДА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

БЕРЛИН, 7 май. (ТАСС). Немис халқи фашизмдан озод бўлган нуннинг 20 йиллиги муносабати билан бугун Берлиндаги энг катта залларнинг бирида тантанали мажлис очилди. Бу мажлисни Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети, Германия Демократик Республикасининг Давлат кенгаши, Министрлар Совети, Демократик Германия Миллий фронтининг Миллий кенгаши уюштирди.

Шонли 20 йиллик байрамида қатнашиш учун Германия Демократик Республикасига келган жуда кўп чет эл меҳмонлари, шу жумладан А. Н. Косигин бошчилигидаги Совет партия-ҳукумат делегацияси мажлисда иштирок қилди.

Мажлисни Демократик Германия Миллий фронти Миллий кенгаши президиумининг раиси профессор Э. Корренс очди.

Мажлисда Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Германия Демократик Республикаси Министрлар Советининг Раиси В. Штоф нутқ сўзлади.

Шундан кейин СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин нутқ сўзлайди.

ЎРТОҚ В. ШТОФ НУТҚИ

Германия Демократик Республикасининг аҳолиси ва Ғарбий Германиядаги тинчликсевар кишилар, — деди В. Штоф, — Европа ва бутун дунё халқлари билан биргаликда 1945 йил 8 май кунини байрам қилмоқдалар. Бу кун халқимизни гитлер фашизмидан халос қилди. Бундан 20 йил муқаддам худди шу кунда жаҳон тарихидаги энг мудҳиш ва энг кўп қон тўкилган уруш тамом бўлди. Бу — инсониятнинг бошига сон-саноқсиз кулфат солган герман империализмининг қонуниятли мағлубияти эди. Бу — Германия тарихида бурилиш нуқтаси бўлди.

Биз бугун урушда ҳалок бўлган кишиларни ҳурматлаб эсга оламиз ва совет халқига ҳамда унинг шонли Қуролли Кучларига, антигитлерчилар коалицияси мамлакатларининг халқларига, шу тарихий ғалабани таъминлаган барча кишиларга миннатдорчилик изҳор қиламиз.

Герман империализмининг ана шу қонуниятли ва муқаррар мағлубиятидан кейин, — деб сўзини давом эттирди В. Штоф, — жаҳон халқлари немис халқининг фашизм ва милитаризм қолдиқларни абадий тугатишини, герман империалистларининг ирқий ваҳшийлигига чек қўйишини, чиракам Демократик Германияни вужудга келтиришини ва бу билан Европада мустаҳкам тинчлик ўрнатилишига ёрдам беришини кутган эдилар. Антигитлерчилар коалициясининг ана шу талаблари немис халқининг миллий манфаатларига бутунича ва тўла жавоб берар эди, герман империализми бошлаб берган икки жаҳон уруши сабоқларига муносиб эди.

Ғарбий Германияда тарихни сохталаштираётган кишилар Гитлер фашизми ҳукмронлиги билан боғлиқ бўлган мудҳиш ишларни эсдан чиқаришга интилаётган ҳозирги пайтда, биз шундай деб барала хитоб қиламиз: Уруш олови ёқувчи фашистларнинг ваҳшиёна жиноятларини ҳеч қачон эсдан чиқариш мумкин эмас ва эсдан чиқармаслик керак!

Герман фашизми бошлаб берган уруш ва фашизмнинг мағлубиятга учраганлиги шу нарсани жуда яққол кўрсатдики, герман монополистларининг босқинчилик сиёсати меҳнаткашларнинг манфаатларига, немис халқининг, бутун миллатнинг бахти ва келажакда тинч ҳаёт кечиришга тамомила зиддир. Шу сабабли, герман империализмининг енгилиши айни вақтда халқимизнинг фашизм асоратидан озод бўлганлигидан далолат берар эди.

Ғарбий Германия империалистлари ва милитаристлари 1945 йил 8 май кунини «енгилиш ва шармандалик куни» деб аташ билан ўзларининг чин қиёфаларини фош қилиб қўймоқдалар. Шу муносабат билан В. Штоф қуйидагиларни таъкидлади: Бонидаги ҳукмрон доиралар шундай ҳаракатлари билан герман империализмининг аввалги сиёсатини, нацистлар ва фашистлар ҳукмронлигида ўзининг ваҳшиёна ифодасини топган сиёсатни давом эттиришга интилаётганлигини бутун дунё олдида намойиш қилмоқда.

Ғарбий Германиядаги ана шундай аҳволга қарама-қарши ўлароқ, — деди ГДР Министрлар Советининг Раиси, — Германия-нинг шарқида тарихий имконияти-дан изчил фойдаланилди ва империалистлар ҳамда фашистлар ҳокимияти батамом тугатилди. Германия Демократик Республикасининг ишчилар синфи ва барча демократик, антифашист кучлари антигитлерчилар коалицияси мамлакатлари халқларининг тадбирларини бажардилар. Меҳнаткаш халқ ўз тақдирини ўзи белгилаш юксасидан Потсдам битими берган ҳуқуқдан фойдаланди, нацистлар ва ҳарбий жиноятчилар эса, қилмишларига яраша жазо олдилар.

Ўзининг марксчи-ленинчи партияси раҳбарлигидаги ишчилар синфи, антифашист демократик блокка жипслашган меҳнаткашлар оммаси немисларнинг янги давлатини вужудга келтирди ва ҳаётнинг барча соҳаларида чиракам тарихий, революцион ўзгаришларни амалга оширди.

Ана шу янги ҳаётни барпо қилиш, — деб уқтириб ўтди В. Штоф, — албатта, енгил иш эмас эди. Босиб ўтилган йўл қийин йўл эди. Ҳамма жойда энг зарур нарса етишмас эди. Баъзи одамларнинг руҳи тушиб кетган эди. Кўп кишиларнинг онги нацистлар идеологияси заҳари билан, антикоммунизм заҳари билан оғуланган эди. Алдовчилар ва спекулянтлар бойлик тўплаш мақсадида халқнинг моддий эҳтиёжларидан фойдаланишга интилдилар. Тажриба бўлмаганлиги натижасида хато ва нуқсонларга йўл қўйилди ва ҳоказо.

Аммо ҳар қандай қийинчиликларга қарамай, Германия Демократик Республикасида тинчлик ва ижтимоий тараққиётни таъминлаш сари босиб ўтган йўлимиз муваффақиятли бўлди. Ишчилар ҳаракатидаги парокандалик тугатилганлиги, Германия Бирлашган социалистик партияси вужудга келтирилганлиги туфайли, ишчилар синфининг меҳнаткаш деҳқонлар билан, интеллигенция билан, бутун меҳнаткаш халқ билан, барча демократик ва антифашист кучлар билан мустаҳкам иттифоқ тузганлиги туфайли бунга эришиш мумкин бўлди.

Совет оккупациячи қўшинларининг вакиллари дастлабки даврда бизга катта ёрдам ва мадад бердилар. Шу кунларда, — деди В. Штоф, — Совет Армиясининг кўп офицерлари ва Германиядаги собиқ совет ҳарбий маъмуриятининг ходимлари, шунингдек антифашистларнинг шаҳар ва қишлоқларда янги ҳаёт қуриш соҳасидаги фаолиятига қардошларча ёрдам берган совет мутахассисларининг шу ерда ҳозир бўлганликлари бизни жуда қувонтиради. Ана шу ҳамкорлик натижасида немис ва совет халқлари ўртасидаги дўстликнинг мустаҳкам пойдевори ўсди. Бу дўстлик соф виждонли ҳар бир немиснинг жонажон иши бўлиб қолди.

Биз, деди В. Штоф, ўтган 20 йил мобайнида янги, социалистик Германияни барпо этишда берган жуда катта ёрдам ва мададлари учун Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига ва Совет Иттифоқи ҳукуматига, қаҳрамон Совет Армиясига ва бутун совет халқига чин кўнгилдан ташаккур изҳор қиламиз.

Германия Демократик Республикаси Министрлар Советининг Раиси яна бундай деди: Барча демократик ва тинчликсевар кучларнинг, Демократик Германия Миллий фронтига жипслашган барча партиялар ва оммавий ташкилотларнинг ҳамкорлиги республикада социализм қурилишини тугаллаш ишида янги муваффақиятларга эришишнинг мустаҳкам гаровидир.

Германия Демократик Республикаси, деди В. Штоф, эндиликда социалистик халқлар оиласида муносиб ўринни эгаллаб турибди. Бу республика Совет Иттифоқи халқлари билан жуда маҳкам, қардошларча алоқа ўрнатган. Марксчи-ленинчи партиялар — КПСС ва Германия Бирлашган социалистик партияси мақсадларининг бирлиги, ҳар иккала мамлакат халқларининг социализм ишининг ғалабаси учун ва бутун дунёда тинчликни таъминлаш учун биргаликда олиб бораётган кураши ана шу дўстлик ва ҳамкорликнинг негизидир.

В. Штоф Ғарбий Германия ва Ғарбий Берлиндаги аҳволга тўхталиб, бу ерларда халқ эмас, балки аввалги реваншчилик сиёсатини ўтказиб келаётган монополистлар ва милитаристлар ҳукмронлик қилмоқдалар, деб таъкидлади. Шу муносабат билан В. Штоф бундай деди: Ғарбий Германия реваншчиларининг ана шу агрессив ниятларини амалга ошириш йўлидагаринишн уларнинг ўз-ўзларини ҳалок қилишларигагина олиб келган бўлур эди. Германия Демократик Республикасини аннексия қилиш, мавжуд чегаралари ревизия қилиш йўлидаги ҳар қандай уринин агрессорларнинг ўз территориясида ҳалок бўлишларига муқаррар олиб келган бўлур эди. Совет Армиясининг, миллий халқ армиясининг ва Варшава Шартномасида қатнашувчи бошқа қардош социалистик давлатлар армияларининг юксак жанговарлик руҳи ва қудрати бунинг гаровидир. Жаҳондаги ва Европадаги кучлар нисбати бунинг гаровидир. Кучлар нисбати социализм ва тинчлик фойдасига тубдан ўзгарди.

Ғарбдаги уч давлатнинг позицияси тўғрисида гапириб, В. Штоф бундай деди: Бу давлатлар немис халқининг Ғарбий Германияда ҳам антифашист, демократик тузумни ўрнатишига ёрдам бериш ва Потсдам битимида кўзда тутилганидек, милитаристик ва империалистик кучларнинг давлат ва унинг экономикаси тараққиётига таъсирини йўқотишга кўмаклашиш ўрнига, герман империализми ва милитаризмининг ўз ҳукмронлигини тиклаб олишига ёрдам бердилар.

Ғарбий Германия империалистлари ва монополистлари бошлаб юбормоқчи бўлган атом урушининг олдини олиш, Европа халқларининг тинчлиги ва осойишталигини сақлаб қолиш учун гарантия вужудга келтириш, деб сўзини давом эттирди В. Штоф, Ғарбий Германиядаги ишчилар синфининг ва барча тинчликсевар кучларнинг энг муҳим вазифасидир. Ғарбий Германиянинг янги мудҳиш уруш ўчоғига айланишига йўл қўймаслик учун, деди у, Ғарбий Германия аҳолиси зиммасига катта жавобгарлик юкланади. Германия Федератив Республикаси аҳолисининг ғоят кўпчилигини ташкил этган Ғарбий Германия Меҳнаткашлари қуролсизланишга ва ҳар иккала герман давлати ўртасидаги муносабатларни нормаллаштиришга эришмоқ учун ўзларининг бутун куч-ғайратларини сарф қилишлари лозим.

Биз айтамизки, Германияни тинч йўл билан бирлаштириш немис халқининг жонажон ишидир. Ҳар иккала герман давлати ўртасида тенг ҳуқуқли музокаралар олиб бориш йўли билангина бунга эришиш мумкин. Бизнинг ҳукуматимиз, деди В. Штоф, — кескинликни юмшатиш ва Германия Демократик Республикаси билан Германия Федератив Республикаси ўртасидаги ўзаро муносабатларни нормаллаштиришга ёрдам бера оладиган барча таклифларни амалий музокаралар давомида муҳокама қилишга тамомила тайёр эканлигини доим уқтириб келмоқда. Бунинг учун бирдан-бир шарт шуки, Бонн ҳукумати ўз қўл остидаги чегараларга реал баҳо бериши ва тўғридан-тўғри ҳужум қилиш ёки «махфий уруш» ёрдами билан ишчи-деҳқонлар давлатимизнинг тупроғига бостириб кириш йўлидаги бехуда уринишлардан воз кечсин.

Ғарбий Германиянинг раҳбар доиралари, деб таъкидлади В. Штоф, ниҳоят, Ғарбий Берлин Германия Федератив Республикасининг таркибий қисми бўлмаганлигини ва бундан буён ҳам бўлмаслигини тушуниб олишлари керак. Ғарбий Берлин мустақил сиёсий бирлик бўлиб, Германия Демократик Республикаси территориясида жойлашган. «Совуқ уруш» тўхтатилган ва Германия Демократик Республикасининг давлат чегарасига қарши ирғоварликларга хотима берилган тақдирдагина, ГДР билан Ғарбий Берлин ўртасидаги ўзаро муносабатларни нормаллаштириш мумкин.

Германия Демократик Республикаси тинч-тотув яшаш, бир-бирларини ҳурмат қилиш ва бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик принциплари асосида барча мамлакатлар билан нормал, тинч ва тенг ҳуқуқли ўзаро муносабатлар ўрнатишга интилмоқда.

Шу муносабат билан В. Штоф қуйидагиларни айтди: Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети ва Германия Демократик Республикаси ҳукумати Америка агрессорларининг Вьетнам халқига қарши қилаётган жиноятларини қатъиян қоралайдилар ва барча социалистик давлатларнинг Вьетнам халқини ҳимоя қилиш учун биргаликда ҳаракат қилишлари тарафдоридирлар. Биз, деди В. Штоф, Американинг Доминикана Республикаси халқига қарши интервенцияси дарҳол тўхтатилсин ва Америка қўшинлари бу мамлакатдан олиб чиқиб кетилсин, деб ҳам талаб қиламиз.

В. Штоф нутқининг охирида ишонч билдириб айтдики, Германия Демократик Республикаси бутун немис халқининг манфаатларига мувофиқ, ўзи танлаб олган йўлидан дадил олга бораверади ва бутун Германиянинг тинчлик, демократия, социал тараққиёт ва бошқа ҳамма халқлар билан дўстлик давлати бўлиб қолиши учун курашни давом эттира беради.

ЎРТОҚ А. Н. КОСИГИН НУТҚИ

Қадрли ўртоқлар, дўстлар!

Бизнинг делегациямиз гитлерчилар фашизми устидан қозонилган ғалабанинг 20 йиллигига бағишланган тантаналарда социалистик Германия меҳнаткашлари билан биргаликда қатнашиш учун Берлинга келди. Бу кунни бутун дунё халқлари нишонламоқдалар. Бу кун уларнинг хотирасида тарихдаги барча урушлар орасида энг кўп қон тўкилган урушнинг тугалланиш куни, гитлерчилар фашизми зулмидан халос бўлиш куни сифатида абадий сақланиб қолади.

Европада фашист диктатурасининг мудҳиш муҳити ўн йилдан ортиқ давом этди. Гитлерни ҳокимият тепасига чиқарган герман империализми жаҳонга ҳоким бўлишга уринди. Фашизм ана шу мақсадда бир миллатнинг бошқа халқлар устидан ирқий ҳукмронлигини эълон қилди. Фашизм бутун инсоният учун жуда катта бало бўлиб, инсониятни ваҳшийлик ва қуллиққа қайтариш билан таҳдид қилган эди. Гитлеризмга қарши уруш алоҳида уруш эди: тараққиёт кучлари ашаддий реакция кучларига қарши курашдилар, халқларнинг озодлигини асорат остига тушиб қолиш хавфидан, кўп ҳолларда эса, қириб кетиш хавфидан ҳам ҳимоя қилдилар.

Шу сабабли, турли социал тузумдаги давлатлар, турли эътиқод, миллат ва ирқка мансуб бўлган кишилар умумий душманга зарба бермоқ учун биргалашиб ҳаракат қилдилар. Совет Иттифоқи, Англия, Америка Қўшма Штатлари ва Франция ягона антигитлерчи коалицияга бирлашдилар. Польша, Югославия, Чехословакия, Албания, Греция, Норвегия ва бошқа мамлакатларнинг қаҳрамон халқлари фашист босқинчиларга қарши озодлик урушига отландилар. Болгария, Венгрия, Румния ва Италиянинг ватанпарвар кучлари бизнинг томонимизда эди. Интернационалист ва ватанпарвар немислар нацист режимига қарши зўр ғайрат билан фидокорона кураш олиб бордилар. Гитлеризмга қарши уруш чинакам халқ уруши эди ва фашизмнинг тор-мор қилиниши барча эрксевар кучлар ҳақконий ишининг тантанаси бўлди.

Антигитлерчилар коалициясининг ғалабаси Европа халқларини фашизм асоратидан қутқазди.

Германия халқи учун бу ғалаба унинг тарихидаги энг разил, энг оғир давр, немис миллати яратган энг яхши нарсаларнинг ҳаммаси фашистлар томонидан оёқ ости қилинган давр тугатилганидан далолат берди. Фашизм устидан қозонилган ғалаба немис халқи учун янги тарихий истиқболлар очиб берди.

Совет халқи учун бу ғалаба қиргинчилик урушининг тўхтатилганлигидан далолат берди. Совет халқи бу уруш давомида ўз социалистик давлатининг озодлиги ва мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилди.

Биз шу билан фахрланамизки, жаҳоннинг барча мамлакатларидаги коммунистлар антифашистларнинг биринчи сафларида бўлдилар, фронтда жанг қилдилар, Гитлер асоратига тушиб қолган мамлакатларда қаршилик кўрсатиш ҳаракатини уюштирдилар, душман устидан ғалаба қозониш учун зарур шарт — фронт орқа томони мустаҳкам бўлишини таъминладилар.

Совет халқига фашист боскинчилар билан курашнинг асосий оғирлигини ўз зиммасига олишга тўғри келди. Совет халқи деярли бутун Европа қитъасидаги ресурсларни ўзига хизмат қилдирган гитлерчи армияларнинг қаттиқ ҳамласига бардош берди. Совет Армияси буюк халоскорлик вазифасини ўз зиммасига олди ва ўзининг юксак интернационал бурчини шараф билан бажарди. Жаҳонда биринчи социализм мамлакати бўлган Совет Иттифоқи фашист империясини тор-мор қилишда асосий роль ўйнаганлиги тамомила табиий бир ҳол. Коммунистик партия фашизмга қарши курашда совет халқига раҳбарлик қилди, энг илғор идеология — марксизм-ленинизм идеологияси совет халқига илҳом бахш этди.

Иккинчи жаҳон урушидаги ҳал қилувчи жанглар рус тупроғида — Москва, Сталинград остоналарида, Курск дугасида бўлди. Партия ва халқ етиштирган энг истеъдодли саркардалар раҳбарлигидаги шавкатли совет қўшинлари Россия тупроғида гитлерчилар фашизмининг белини синдирдилар.

Бу ғалаба бизнинг халқимизга жуда қимматга тушди. Уруш 20 миллиондан кўп совет кишисининг ёстиғини қуритди. Бутун дунёга мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатган қаҳрамон шаҳарлар — Ленинград, Севастополь ва Одессанинг ўлмас зафарлари ҳаммаларнинг эсида турибди. 1945 йил февраль ойида Америка ва Англия авиацияси ҳужум қилганидан кейин Дрезден қандай аҳволга тушиб қолганлигини немислар яхши биладилар. Уларнинг кўплари Гамбург ёки Берлин қандай аҳволга тушиб қолганлигини ҳам эслайдилар. Совет Иттифоқи территориясининг душман ҳужумига дучор бўлган жуда катта қисми худди шундай аҳволга тушиб қолган эди. Аммо Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, бизнинг армиямиз ва халқимиз ҳатто урушнинг энг оғир дақиқаларида ҳам герман фашизмини немис халқи билан бир қаторга асло қўйган эмас. Совет солдати немис тупроғига истилочи ва қасосчи бўлиб эмас, балки Германия меҳнаткашларининг дўсти бўлиб кирди. Совет солдати Германия меҳнаткашларини фашизмга қарши курашда, социализм учун курашда ўзининг табиий иттифоқчилари деб билди.

Биз ғалабанинг 20 йиллигини нишонлаб турган ҳозирги кунда халқлар озодлиги учун жонини фидо қилган кишиларни миннатдорлик билан эсга оламиз.

Биз жанг майдонларида ҳалок бўлган кишиларнинг хотираси олдида ҳурмат билан бошимизни эгамиз.

Биз фашист агрессиясига дучор бўлган мамлакатларда гитлерчилар ваҳшийлигининг миллионларча номаълум қурбонларини, фашист зиндонларида ва концентрацион лагерларда азоблаб ўлдирилган миллионларча кишиларни эсга олганимизда ҳурмат билан бошимизни эгамиз.

Биз партизанларни, фашизмга қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг қурашчиларини иззат-ҳурмат билан эсга оламиз. Улар фашизм устидан ғалаба соатини яқинлаштириш учун ҳаддан ташқари оғир ва жуда хатарли бўлган ҳамда кучлар тенг бўлмаган шароитларда мардона курашдилар. Биз немис халқининг гитлерчилар истибдодини тугатиш учун жонини тиккан минг-минглаб энг яхши намоянда-ларини унутмаймиз.

Немисларнинг қаршилик кўрсатиш ҳаракатида коммунистлар асосий роль ўйнадилар. Коммунистлар немис миллатининг виждони ва шаън-шавкати бўлиб келганликлари ва шундай бўлиб қолажаклари ҳозир ҳар бир кишига аёндир.

Азиз ўртоқлар!

Биз гитлерчилар фашизми тор-мор қилинишининг йигирма йиллигини бу кунинг улуғворлигини таъкидлаш ва тараққиёт ҳамда халқлар озодлиги иши учун ҳалок бўлган кишиларнинг хотирасини ҳурматлаб эсга олиш учунгина нишонлаётганимиз йўқ. Ўтган урушдаги воқеалардан зарур сабоқларнинг ҳаммаси чиқариб олинганлиги, ё йўқлиги тўғрисида ҳар қачонгидан кўра ҳозирги кунда ўйлаб кўриш ўринлидир. Уруш йилларидаги жуда оғир машақкатларни ҳали ҳам эслаётган халқлар ҳақли суратда шундай савол бермоқдалар: Европада янги ҳарбий конфликт чиқишига йўл қўймаслик учун зарур ишларнинг ҳаммаси қилинганми?

Биз, коммунистлар соф виждонимиз билан шуни айта оламизки, янги урушнинг олдини олиш учун кўп иш қилинди. Европадаги ва бутун дунёдаги кучлар нисбати, бинобарин, халқаро аҳвол ҳам ҳозир урушдан аввалги вазиятдан тамомила фарқ қилади. Уруш тамом бўлганидан кейин ўтган 20 йил тарих тараққиёт ва социализм кучлари фойдасига ривожланиб борган йиллар бўлди. Варшава Шартномаси ташкилотида бирлашган социалистик давлатлар ҳамдўстлиги Европа халқларининг осойишталигини қўриқлаб турибди.

Германия Демократик Республикасининг ташкил топиши Германиянингина эмас, балки бутун Европанинг ҳаётида ҳам энг муҳим тарихий воқеа бўлди.

Немис ерида тарихда биринчи марта чинакам демократик ва тинчликсевар давлат — ишчи ва деҳқонлар давлати вужудга келди. Дарҳақиқат, Германия Демократик Республикасининг вужудга келиши немис миллати пешқадам қисмининг ҳукмрон империалистик доиралар неча ўн йиллар мобайнида мажбуран қабул қилдириб келган агрессия ва таланчилик сиёсатини тугатишга қатъий қарор берганлигини ифода этди. Германия Демократик Республикасининг ишчилар синфи, меҳнаткаш деҳқонлари ва интеллигенцияси монополиялар ва юнкерлар ҳукмронлигига, бошқа халқларга нисбатан душманлик ва нафрат сиёсатига абадий чек қўйдилар. Тинчлик, барча давлатлар ва халқлар билан дўстлик ва ҳамкорлик, Европада хавфсизликнинг самарали системасини вужудга келтириш учун кураш — социалистик Германия сиёсатининг мазмунидир.

Уруш Германия территориясидан ҳеч қачон бошланмаслиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш Германия Демократик Республикасининг тарихий миллий вазифаси бўлиб қолди.

Озодликнинг 20 йиллиги муносабати билан Халқ палатаси манифест қабул қилди. Ана шу муҳим сиёсий ҳужжат бутун немис миллатининг осойишталиги ва келажакда тинч яшаши тўғрисида астойдил ғамхўрлик қилиш руҳи билан суғорилган. Халқ палатаси немис халқини фожиали ўтмишдан тегишли сабоқларни чиқариб олишга, ана шу фожиали ўтмишнинг такрорланишига йўл қўймасликка даъват этади. Тинчликни қадрлаётган ва урушга нафрат билан қараётган барча немислар, шубҳасиз, бу даъватни тушуниб оладилар ва қўллаб-қувватлайдилар.

Германия Демократик Республикаси тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик учун курашиб, бутун немис халқининг манфаатлари ва орзу-тилакларини ифода этади. Германия Демократик Республикаси ўзининг тинчликсеварлик сиёсати туфайли халқаро майдонда катта обрў ва ҳурматга сазовор бўлди. Германия Демократик Республикасининг тинчликни ва қуролсизланишни қаттиқ ҳимоя қилиб чиқаётганлиги, миллий озодлик курашини қўллаб-қувватлаётганлиги, унинг ривожланиб бораётган мамлакатларга самарали ёрдам кўрсатаётганлиги тобора кенг эътироф қилинмоқда.

Немис ишчи ва деҳқонлари давлати яшамоқда, куч тўпламоқда ва ўзининг халқаро позицияларини мустаҳкамламоқда. Совет кишилари Германия Демократик Республикасининг муваффақиятларини қутлайдилар. Турли-туман соҳаларда — иқтисодий соҳада ҳам, маданият соҳасида ҳам, фан-техника соҳасида ҳам кўп муваффақиятлар қўлга киритилди. Германия Бирлашган социалистик партияси, унинг ўртоқ Вальтер Ульбрихт бошчилигидаги Марказий Комитетининг, ўртоқ Вилли Штоф бошчилигидаги Германия Демократик Республикаси ҳукуматининг ижодий фаолияти самаралари Германия Демократик Республикаси ишчилари ва деҳқонларининг, меҳнаткаш интеллигенциясининг барча ютуқларида яққол кўриниб турибди. Немис коммунистлари ва социал-демократларни бирлаштирган партия барча партияларга ва оммавий ташкилотларни миллий фронтнинг ягона ватанпарварлик ҳаракатида жипслаштира олди, уларни тарихий мақсадга эришиш — социалистик жамият қуриш сари бошлаб бора олди.

Германия Демократик Республикаси Европа марказида социализм ва тинчликнинг олдинги сафда турган таянчидир, деган сўзларни кўп такрорлайдилар. Ҳақиқатан ҳам шундай. Сизнинг республикангиз империализмга қарши курашнинг олдинги сафида турибди. Социалистик Германияга қилинадиган ҳар қандай ҳамлани Совет Иттифоқининг миллий хавфсизлигига, бутун социалистик ҳамдўстликнинг хавфсизлигига қилинадиган ҳамла деб қараймиз. Иккинчи жаҳон уруши сабоқларини ўзлаштириб олмаган кишиларга ҳозирги кунда ҳам шу гапларни айтамиз: Социалистик интернационализм принципларига содиқ бўлган, дўстлик, ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномамизга содиқ бўлган Совет Иттифоқи Германия Демократик Республикаси чегараларининг дахлсизлигини ўз чегараларини ҳимоя қилгандек ҳимоя қилаверади.

Совет халқи ўтган урушнинг сабоқларини яхши эсда тутади ва шу сабабли ўз мамлакатининг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга катта эътибор бермоқда. Агрессор бизнинг мамлакатимизни ғафлатда қолдира олмаслигига бемалол ишонши мумкин. Бизнинг армиямиз — тинчлик армияси. Бу армияниг кузатган мақсади — совет кишиларининг социалистик ғалабаларини ҳимоя қилишдан, дўстларимиз ва иттифоқчиларимизнинг хавфсизлигини ҳимоя қилишдан иборат. Зарурат бўлиб қолган тақдирда Қуролли Кучларимизнинг ўз вазифасини бажара олишлари учун бу кучлар қуролярогларнинг энг янги турлари билан таъминланган. Агрессияни даф қилмоқ учун зарур бўлган нарсаларнинг ҳаммаси бизда бор. Ҳарбий санъатни мукаммал эгаллаган саркардалар Совет Қуролли Кучларига бошчилик қилмоқдалар.

Германия Демократик Республикасининг миллий Халқ армияси каби Совет Иттифоқининг Қуролли Кучлари ҳам Варшава Шартномасида аъзо бўлган социалистик мамлакатлар армиялари ҳамдўстлигига киради. Эртага бу ерда, Берлинда ўтказиладиган ҳарбий парад қуролли кучларимизнинг ҳамкорлигини, уларнинг биргалашиб ҳаракат қилишга тайёрлигини ифода этади. Бу парадда миллий Халқ армияси билан бир қаторда Совет Армияси бўлинмалари ҳам қатнашади. Совет қўшинлари социалистик Германияда иттифоқдош давлат армияси сифатида турибди. Бу армия тинчлик ишини ва бутун социалистик ҳамдўстликни эҳтимол тутилган агрессиядан ҳимоя қилиш каби интернационал бурчни бажармоқда.

Иккинчи жаҳон урушининг сабоқларидан хулоса чиқариб олмаган кишилар ҳам борлиги сабабли, биз шуларнинг ҳаммаси тўғрисида гапирямиз — ўтган урушнинг якуларини ревизия қилишни хаёлларига келтириш билангина чекланиб қолмаётирлар. Бони давлатининг бутун сиёсати ана шу мақсадга бўйсундирилган. Улар шунинг учун ҳам ядро қуролига қўл узатмоқдалар.

Ғарб давлатлари ва, аввало Америка Қўшма Штатлари Потсдам битимларига мувофиқ, Германияни демократлаштириш ва демилитаризация қилиш юзасидан ўз зиммаларига олган мажбуриятларни бажарганларида эди, Европадаги вазият бутунлай бошқача бўлган бўлар эди. Бироқ, Қўшма Штатлар ва уларнинг иттифоқчилари бундай қилиш бир ёқда турсин, балки ўзларининг кечаги душманлари ва барча тинчликсевар халқларнинг душманлари бўлган Ғарбий Германия милитаристлари билан тил бириктириб олдилар. Ғарб давлатлари социалистик мамлакатларга қарши кураш мақсадида Ғарбий Германияннинг ҳарбий-иқтисодий потенциалидан фойдаланиш имкониятини олдилар. Ғарбий Германия реваншизми эса, Қўшма Штатлар томонидан кучли мадад олди. Худди шу нарса Ғарбий Германия реваншизмини айниқса хатарли қилиб қўйди.

Германия Федератив Республикасининг ҳукмрон доиралари Ғарбий Берлинни қўлга киритишни, Германия Демократик Республикасини қўшиб олишни истаётганликларини яширмаётирлар. Бу доиралар халқаро кескинликни юмшатишнинг, давлатлар ва халқлар ўртасида ҳамжиҳатликни яхшилашнинг ашаддий душманлари бўлиб майдонга чиқмоқдалар. Улар бошқа суверен давлатларнинг ишларига сурбетлик билан аралашмоқдалар, бу давлатларнинг ҳукуматларига кимлар билан нормал дипломатик муносабатлари боғлаш мумкин-у, кимлар билан бўлмаса муносабатларни боғламаслик кераклиги хусусида ўз хоҳишларини мажбуран қабул қилдиришга уринмоқдалар. Бошқа кўп ҳолларда бўлгани singari, бу ўринда ҳам уларнинг манфаатлари Америка монополияларининг манфаатлари билан чатишиб кетмоқда. Реакцион кучларнинг бу иттифоқи тинчлик ва тараққиёт ишига душманликдан иборат сиёсатни ўтказмоқда. Бу сиёсат Ғарбий Европа мамлакатларининг манфаатларига зид бўлиб, Ғарбий Германиянинг ўзидаги халқнинг манфаатларига қарама-қарши сиёсатдир.

Совет Иттифоқи Ғарбий Германиядаги немисларнинг ҳаммаси реванш ғояларидан ҳаф қилинган, деб мутлақо ҳисоблаётгани йўқ. Германия Федератив Республикаси аҳолисининг кўпчилиги тинчлик шароитида яшашни истаётганлигини биз яхши тушунамиз. Лекин биргина шу истаётганнинг ўзи кифоя қилмайди. Тинчлик учун кураш масалаларида пассив позицияда туриш ярамайди. Бинобарин, ҳозирги вақтда Ғарбий Германияда реваншчилар билан океан орқасидаги империалистларнинг хатарли найрангларига бепарволик билан қараётган кишилар эртанги кунда уларнинг қўлидаги итоаткор ва ноилож қурол аҳволига тушиб қолишлари мумкин.

Германия Федератив Республикасида немисларнинг урушдан кейин ўсиб етишган янги авлоди нацизмнинг жиноятлари учун бўлган жавобгарликка шерик бўла олмайди, деган гапларни эшитиш мумкин. Дарҳақиқат, ана шу оғир жиноятни Ғарбий Германиядаги ҳозирги ёшларнинг зиммасига юклаш адолатсизлик бўлур эди. Лекин Германия Федератив Республикасида ҳозир рўй бераётган ишлар учун, бу давлат келгусида қандай сиёсат ўтказиши — уруш сиёсатини ўтказадими ёки тинчлик сиёсатини ўтказадими, бошқа Европа давлатлари билан ҳамкорлик сиёсатини ўтказадими ёки реванш мақсадида океан орқасидаги кучларнинг таянчи бўлиш сиёсатини ўтказадими, бунинг учун немисларнинг ҳозирги авлоди ҳам жавоб беради. Бу масъулиятдан бўйин товлаб бўлмайди.

Ғарбий Германия милитаристлари ўзларининг реваншчилик планларини ишлаб чиқаётганларида, бу планларни гўё бутун немис халқининг тақдири тўғрисида, герман давлатининг яхшилиги тўғрисида «ғамхўрлик» қилмоқдамиз, деган демагогик даъволар билан ниқоблашга уринмоқдалар. Лекин Германияни бирлаштиришга олиб борувчи реал имкониятларни ҳақиқатан топмоқчи бўлган киши бу имкониятларни сиёсий ва ҳарбий авантюралар йўлидан эмас, иккала герман давлатининг ихтиёрий келишиб олиши асосида излаши керак.

Немис дўстларимизнинг, атом билан қуролланишга қарши чиқаётганларгина, қуролсизланиш учун, иккала герман давлати ўртасидаги нормал муносабатлар учун ва Европада ядросиз зона вужудга келтириш учун ҳаракат қилаётганларгина герман халқи номидан гапириши мумкин, деган фикрларга қўшиламиз. Атом билан қуролланиш ва реваншчилик сиёсати Германияни қайта бирлаштириб бўлмайдиган қилиб қўяди.

Германия Демократик Республикасининг Халқ палатаси озодлик қонунининг 20 йиллигига чиқарган Манифестида мамлакатни демократик ва тинчликсеварлик негизларида бирлаштиришнинг кенг ва конкрет программасини илгари суради. Бу программа бутун немис халқи олдида реал тарихий истиқболни очиб беради. Совет Иттифоқи бу тўғри программага қўшилади ва уни қўллаб-қувватлайди.

Германия Демократик Республикаси ўз Манифестида жаҳондаги халқларга ва ҳукуматларга мурожаат қилиб, улардан Германия проблемасини тинч бартараф этишни қувватлашни сўрайди, қуролсизланишни ва Европада атомсиз зонани вужудга келтиришни ёқлаб фикр билдиради, Ғарбий Германияга бирон бир шаклда ядро қуролига эга бўлиш ҳуқуқи берилишига қарши чиқади, иккала герман давлатига нисбатан нормал, тенг ҳуқуқли муносабатда бўлишни талаб қилади.

Мен Совет Иттифоқи номидан, ҳукуматимиз ва халқимиз номидан шуни айтаманки, Германия Демократик Республикаси шу Манифестда эълон қилинган мақсадларни амалга оширишда бизнинг мамлакатимизнинг тўла мададкорлигига умид боғлаши мумкин. Европа халқларининг, шу жумладан ҳар иккала герман давлати аҳолисининг туб манфаатлари иккинчи жаҳон уруши қолдиқларини тугатишни ва реал мавжуд бўлиб турган аҳвол негизида Германия проблемасини тинч бартараф этишни талаб қилмоқда, деб ҳисоблаб келдик ва шундай деб ҳисобламоқдамиз.

Германия тарихида урушлар кўп бўлди. Германияни милитаризм билан империализм боплаб келган урушлар ҳеч қачон герман давлатига шуҳрат келтирган эмас. Бу урушлар немис халқига янгиянги фожиалар ва талафотларгина келтирган, холос. Ўтган уруш Германия бошига айниқса катта кулфатлар келтирди — миллионмиллион кишилар ўлди ва ярадор бўлди, минглаб шаҳар ва қишлоқлар вайрон қилинди. Айтиш мумкинки, герман халқи аёвсиз уруш мактабини ўтди, уруш қурбонлари ва кулфатлари нима эканлигини яхши билади. Башарти, агрессив кучлар янги жаҳон урушини боплаб юборишга муваффақ бўлсалар, бу уруш мислсиз даражада оғир ва вайроналиклар келтирувчи уруш бўлади. Янги жаҳон уруши хавфини йўқотиш учун имкони бўлган чораларнинг ҳаммасини кўришни герман халқининг ҳаётий манфаатлари талаб қилмоқ

ЎРТОҚ А. Н. КОСИГИН НУТҚИ

(Боши иккинчи бетда).

Ўртоқлар!

Биз халқларнинг фашизмга қарши олиб борган улуғ урушида қозонилган ғалабанинг йиллигини нишонлаётган ҳозирги вақтда урушдан аввалги йиллардаги вазиятни эсламай ўта олмаймиз. Шу нарса шак-шубҳасизки, немис ишчилар синфи ўртасида, Германиядаги прогрессив демократик кучлар ўртасида бирликнинг йўқлиги фашистларнинг ҳокимият тепасига келишини кўп жиҳатдан енгиллаштирди. Коммунистларнинг фашистларга қарши фронт вужудга келтиришга қилган даъватларини, афсуски, немис социал-демократлари лозим даражада қувватламадилар.

Гитлерчилар янги урушни тайёрлаш йўлига тушиб олган, ўзларининг ваҳшиёна идеологияларини тарқатаётган пайтда эса халқаро миқёсда фашизм хавф солиб турган давлатлар ўртасида бирликнинг йўқлиги гитлерчилар тузган режаларнинг амалга оширилишини енгиллаштирди. Совет ҳукумати Европада коллектив хавфсизлик системасини вужудга келтиришга сабот-матонат билан ҳаракат қилди, фашист-агрессорни жиловлаб қўйиш учун актив чоралар кўрди. Бироқ, Ғарб давлатларининг ҳукуматлари бизнинг ғайрат-ҳаракатимизни қувватламадилар. Улар фашизм хавф солаётган давлатларнинг яхлит фронтини вужудга келтиришдан бўйин товладилар ва шу тариқа Гитлернинг эркин ҳаракат қилишига йўл қўйиб бердилар. Фашист давлатлар янгидан-янги агрессия ҳаракатлари бошлаб юборган пайтдагина Ғарб давлатлари гитлеризмга зарба бериш учун Гитлерга қарши коалиция тузишга рози бўлдилар.

Ҳозирги вақтда ҳам империалистлар антиимпериалистик кучларни парчалаб юборишга муваффақ бўламиз, деган умидда бир талай режаларни тузмоқдалар. Улар, шунингдек жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатида вужудга келган қийинчиликлардан фойдаланиб қолмоқчи бўладилар. Бу макрли планларга етарли баҳо бермаслик ва тарих сабоқларининг ҳаммасини ҳисобга олмаслик хато бўлур эди.

Баъзи кимсалар фақат янги жаҳон уруши социалистик лагерь ва халқаро коммунистик ҳаракатнинг жипслашувига олиб келади, деб даъво қилмоқдалар. Биз бундай нуқтаи назарни қатъиян рад этамиз. Социалистик давлатлар ҳамдўстлиги ва жаҳон коммунистик ҳаракатининг бирлиги ва жипслиги учинчи жаҳон урушининг олдини олишда муҳим роль ўйнаши керак ва шундай ролни ўйнайди, деган фикрда қаттиқ турибмиз ва биз бу йўлдаги фаолиятимизни кучайтира берамиз.

Америка империализми халқаро жандарм сифатида майдонга чиқаётган ҳозирги кунда халқаро коммунистик ҳаракатнинг, барча антиимпериалистик кучларнинг бирлигини энг муҳим вазифалардан биридир. Америка Қўшма Штатларининг ҳукмрон доиралари амалга оширилиши мумкин бўлмаган ишни қилишга — тарихнинг олга қараб ҳаракатини тўхтатиб қўйишга, ҳамма уринишларга қарамай тобора кенгайиб бораётган, ер курраси нинг янги-янги районларини қамраб олаётган озодлик курашини бўғиб ташлашга уринмоқдалар. Улар Бельгия ва Англия мустамлакачилари билан биргаликда Конгонинг мустақиллиги учун курашаётган кишиларни қириб ташлашни истар эдилар. Улар халқаро ҳуқуқнинг энг элементар нормаларини бир неккага йиғиштириб қўйиб, Доминикана Республикасч халқининг суверен ҳуқуқларини поймол қилиш, унинг тепасига ўз гумашталарини ўтқазиб қўйиш учун бу мамлакатга қўшин туширдилар.

Америка Қўшма Штатлари Вьетнамга доир Женева битимларининг бажарилишини барбод этди ва шу мамлакатнинг халқига қарши очиқдан-очиқ ҳарбий интервенция қилмоқда. АҚШ Жанубий Вьетнамдаги ялпи террор ва қароқчиликдан Вьетнам Демократик Республикасини ваҳшиёна бомбардимон қилишга ўтди. Бу фактларнинг ҳаммаси шундан далолат бермоқдаки, Америка империалистлари ҳарбий зўравонлик ва ўзининг хоҳиш-иродасини қўпол куч билан зўрлаб қабул қилдириш йўлига тушиб олди.

Америка Қўшма Штатлари ўзининг бемаъни сиёсатини ўжарлик билан ўтказиш йўлида жаҳон афкор оммасига қарама-қарши ҳаракатлар қилишга тайёр бўлса керак. Қўшма Штатлар президенти ўзининг 28 апрелдаги матбуот конференциясида очиқдан-очиқ бундай деди: «Мен қандайдир дўстларимиздан ажралиб қолганимизга ачинмайман». Ўз-ўзидан равшанки, ўз дўстларининг фикрига қандай муносабатда бўлиш АҚШ президентининг ўз иши. Лекин шуни унутмаслик керакки, Вьетнам халқининг ҳам ўз дўстлари бор, улар Вьетнам халқини қулфатда қолдирмайдилар. Binobarin, Вашингтон бугунми-эртами бу факт билан ҳисоблашишга мажбур бўлади.

Тинчлик, озодлик ва мустақиллик идеаларини қадрловчи бирон халқ, бирон давлат Вьетнамдаги воқеаларга бепарво қараб тура олмайди. Дарҳақиқат, Американинг бир интервенциясига муроса билан қарагудек бўлсангиз, бошқа мамлакатлар худди шундай аралашувнинг қурбони бўлиши мумкин. Англия ҳукуматига ёки Ғарбий Германия ҳукуматига ўхшаб, Қўшма Штатларнинг агрессив сиёсатини кўр-кўрона қувватлаётган кимсалар ўз зиммаларига катта ва оғир жавобгарликни олмоқда.

Гитлерчилар фашизми устидан қозонилган улуғ ғалабанинг йиллиги ҳарбий авантюраларнинг ишқибозларига шуни эслатиб қўйиши лозимки, халқларнинг тақдири билан ўйнашишга уриниш уларни оқибат-натижада муқаррар суратда шармандан-шармисор қилади. Инсоният XX асрнинг иккинчи ярми тинчлик, озодлик ва социал тараққиёт йўлини очиб беришини истайди, бинобарин, бу йўлга тўғоноқ бўлганларнинг ҳаммасини халқларнинг хоҳиш-иродаси, тарихнинг бориши муқаррар улоқтириб ташлайди.

Иккинчи жаҳон уруши тамом бўлганидан бери ўтган ана шу 20 йил ичида жаҳон тубдан ўзгариб кетди. Социализм Европа ва Осиёдаги бир қанча давлатларни бирлаштирган жаҳон системасига айланди. Социализм бошқа қитъаларда ҳам қанот ёйди, Латин Америкаси ва Африкада ҳам унинг байроқлари ҳилпираб турибди. Ўнлаб халқлар мустамлака зулми кишанларини улоқтириб ташлаб, озодликка чиқди, миллий мустақилликни қўлга киритди. Ана шу ўзгаришларнинг ҳаммаси натижасида фашизм тор-мор қилинганлигининг 20 йиллигини биз социализм кучлари, миллий озодлик ва халқаро ишчилар ҳаракати кучлари ўсганлигининг 20 йиллиги сифатида нишонламоқдамиз. Уруш, тинчлик ва революция масалалари ҳали ҳеч қачон ҳозиргидек катта аҳамият касб қилмаган эди. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар турли иқтисодий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши сиёсатини изчиллик билан амалга ошириб, империалистик реакцияниинг революцион ҳаракатни маглубиятга учратиш, янги жаҳон урушини бошлаб юборишнинг ҳаммасини эндн экспозицияга қўшиб қўйилган.

...Бомба парчаларн ва ўқлар билан ялма-тешик қилинган 93-торпедо катерининг байроғи. Қораденгизчиларнинг комсомол экипажи ана шу байроқ тагида фашистларнинг торпедо катерларига қарши бир неча бор жанг қилди. Комсомол денгизчилар душманнинг бешкемасини денгизда ғарқ этдилар. Урушнинг охирига бориб уларнинг ҳаммаси коммунист бўлишди, уларнинг ҳаммаси жанговар орденлар билан мукофотланди, командирлари Андрей Черцов эса Совет Иттифоқи Қаҳрамони бўлди.

Бўлиб ўтган жанглар қаҳрамонларининг фикрлари, уларнинг маънавий поклиги ва фикр-зикрларининг олижаноблиги жуда кўп хатмоқдалар. Ҳеч ким бизни ана шу ленинча йўлдан тойдириб юборишга муваффақ бўла олмайди.

Иккинчи жаҳон урушида қарийб 50 миллион, яъни биринчи жаҳон урушидагидан беш баравар кўп одамнинг ёстиғи қуриди. Лекин янги уруш ёнғини аланга олдирилган бўлса, ўтган урушда тортилган машаққатлар билан ҳеч бир таққослаб бўлмайдиган машаққатлар халқлар бошига тушиши мумкин. Уруш натижасида агрессорлар тор-мор келтирилган бўлур эди, лекин бу ғалабани инсоният жуда катта қурбонлар, тарихда мисли кўрилмаган вайронгарчиликлар эвазига қўлга киритган бўлур эди. Уруш жаҳонинг барча районларини қамраб олган ва инсониятни анча орқага улоқтириб ташлаган бўлур эди. Биз учун янги жаҳон ёнғинининг олдини олишдан ҳам муҳимроқ вазифа йўқ. Совет Иттифоқи билан янги социалистик Германиянинг ҳамкорлиги ҳам ана шу вазифани ҳал этишга қаратилгандир.

Азиз ўртоқлар!

Ана шу тантанали кунда бизнинг делегациямиз Германия Демократик Республикасининг бутун аҳолисига, немис халқининг барча прогрессив кучларига Коммунистик партиямиз ва Совет ҳукуматидан, Совет Иттифоқининг барча халқларидан отаҳин салом топширади. Германия Демократик Республикасининг мавжудлигини, Германия Бирлашган социалистик партиясининг, унинг Марказий Комитетининг фаолиятини, мамлакатларимиз меҳнаткашлари манфаатларининг муштаракликини биз халқларимиз ўртасида ҳамиша тинчлик ва дўстлик, муносабатлари давом этиши ва ривожланиб боришининг гарови, деб биламиз.

Биз шу нарсага қатъий аминмизки, коммунистик ҳаракатнинг тарихий вазифаларини амалга ошириш учун, янги уруш можаросининг олдини олиш учун, иккинчи жаҳон урушидан кейин қолган масалаларнинг ҳаммасини тинч йўл билан ҳал этиш учун курашда бундан буён ҳам биргалашиб куч-ғайрат сарфлай берамиз. Биз уруш тамом бўлганлигининг йигирма йиллигини ялпи байрамимиз деб, фашизм устидан қозонилган ғалаба байрами деб биламиз. Ана шу кун ҳамиша халқларни яқинлаштирувчи кун бўлиб қолсин. Одамларнинг келгуси авлодлари ҳам бу кунни тинчлик ва тараққиёт кучларининг фашист ваҳшийлиги устидан, реакция ва уруш кучлари устидан тантанаси куни деб нишонлайдилар.

Азиз дўстлар, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг бугунги тантаналар муносабати билан йўллаган табрикномасини ўқиб беришимга рухсат бергайсиз.

* * *

Ўртоқ А. Н. Косигин Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг табрикномасини ўқиб беради.

ЖАНГОВАР ШОН-ШУҲРАТ МУЗЕЙИ

Фашистлар Германияси устидан қозонилган ғалабанинг 20 йиллигига Москвада СССР Қуролли Кучларининг Марказий музейи очилмоқда. Музей Коммуна майдонида махсус қурилган бинога жойлаштирилади. Музей эса лаларининг саҳни тўққиз минг квадрат метрдан иборат бўлиб, унинг беш минг квадрат метрига экспозиция жойлаштирилади. Бу эса Совет Армиясининг эски музейидагига нисбатан беш баравардан эзиб кўпдир.

Музейнинг 25 залида 1905—1907 йиллардаги революция даврида Россия пролетариатининг дастлабки жанговар дружиналари ташкил топган пайтдан бошлаб ҳозирги кунимизгача армия, флотнинг тарихи акс эттирилади. 12 минг экспонат Совет давлати Қуролли Кучларининг шонли жанговар йўли ҳақида ҳикоя қилади.

Залларидан бири «Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти тасвирий санъатда» деган темага бағишланган. Музейга қарашли энг яхши суратлар ва ҳайкалтарошлик асарлари шу ерга қўйилган.

Ҳар қандай ҳарбий музей синглари бизнинг музейимиз ҳам рус уч линияли милтиғи ва «Максим»дан тортиб, ракета қуролининг энг янги намуналарига ўлган хилма-хил қуролларга ғоят бой. Музейга кираверишда баҳайбат замонавий ракета ва машҳур «Ўттиз тўрт» номли танкимиз қад кўтариб турибди. Бу танк уруш йилларида энг яхши жанговар машина бўлди. Бино ёнига бронепоезд ва танклар, тўплар ва самолетлар, ҳарбий-денгиз флотининг миналари ва торпедолари қўйилган. Экспозиция залларига ҳам қўпгина қуроллярог, жанговар анжом-аслаҳа, техника қўйилган.

Лекин музейда энг муҳими техника эмас, балки гражданлар урушида ва Улуғ Ватан урушининг барча қийинчиликларини ўз бошидан кечирган инсон, жангчи, енгилмас совет халқи энг асосий ўринни эгаллайди.

Биз музейга кирганимизда аввало оқ мармардан ясалган В. И. Ленин бюстида (бюстни ҳайкалтарош В. Цигаль ишлаган) ва шундан кейин мозаик панно ишчилар, олимлар, жангчиларнинг ҳайкалларига кўзимиз тушади. Рассом Ю. Королев ишлаган монументаль композицияда халқ билан армиянинг бирлиги, уларнинг Ленин партияси теварагига жипслашганлиги, коммунизм қурувчиларининг тинч меҳнатини қўриқлашга тайёр турганлиги акс эттирилган. Музей залларига қўйилган барча экспозициялар ана шу гоя билан сугорилган. Хилма-хил ёдгорликлар ва ҳужжатларда Совет Қуролли Кучларини ташкил қилиш ва мустаҳкамлашда, такомиллаштиришда ҳамда шу қуролли кучларнинг ғалабага эришишида В. И. Ленин ва Коммунистик партиянинг роли кўрсатиб берилади.

Музей жанговар байроқлар — Қизил гвардия байроқларидан тортиб гвардиячи полклар ва дивизиялар жанговар мукофотларининг белгилари бўлган орден лентала рин билан безатилган, донг чиқарган байроқларигача жуда кўп байроқлар тўпланганлиги билан ҳақли суратда фахрланади. Бу жанговар мукофотларнинг белгилари ана шу байроқлар тагида жанг қилган минг-минглаб кишиларнинг жасоратини акс эттириб туради. Бу байроқлар ўтган уруш йилларидаги ташвишли вазиятни эсга солади, совет солдатларини жангга отлантирган гоялардан, фикрлардан, жасоратлардан дарак беради.

Гражданлар уруши вақтидан қолган байроқлардан бирида шундай ёзув бор: «Биз, Детско-Сельск коммунистлари инглиз-америка капитализми билан жанг қилиш учун борaётирмиз. Бизнинг шиоримиз — оқгвардиячиларга ўлимдир». Иккинчи бир залда 10-ўқчи дивизиянинг қизил аскарлари 1923 йилда Петроград ҳарбий округининг РКП(б) II округ конференциясига тақдим этган байроғи бор. Улар бу байроққа: «РКП(б), биз сенинг раҳбарлигингда ва сен билан бирга барча тўсиқлардан ўтдик ва пролетар революциясининг тўла ғалабасигача борамиз», деган сўзларни ёзиб қўйган эдилар.

Шу жойнинг ўзида бу байроқлар тагида Совет ҳокимияти учун жангга отланган, гражданлар урушининг кўпгина фронтларида жанг қилган кишиларнинг номлари бор. В. И. Чапаевнинг буркаси ва жанговар қиличи, М. В. Фрунзе, С. М. Будённий, К. Е. Ворошиловнинг фахрий революцион қуроли, гражданлар урушининг командирлари ва комиссарлари — В. К. Блюхер, А. И. Егоров, М. Н. Тухачевский, С. М. Киров, Г. К. Оржоникидзе, И. Э. Якир ва кўпгина бошқаларнинг жанговар ишларини акс эттирган ҳужжатлар ва фотосуратлар ана шу кишиларни эслатиб турибди.

Бутун янги экспозициянинг тахминан ярми тарихда маълум барча урушларнинг энг оғири бўлган Улуғ Ватан урушига бағишланган. Оғир кулфатлар ва ғалаба тантаналарига тўлиб тошган ўша йилларнинг энг йирик воқеалари музейга келган томошабинлар кўз олдида намоён бўлади.

Бу ерда иккинчи жаҳон урушида немис армиялари биринчи марта катта маглубиятга учраганлиги — Москва остоналаридаги Сталинград жанги, Курск дугаси, Днепр, Баренцево денгизидан Қора денгизгача бўлган масофада барча фронтларнинг жадал ҳужуми, жонажон тупроғимиз ҳамда Шарқий ва Шарқи-Жанубий Европа халқларининг озод қилиниши бу ерда акс эттирилган...

Фашистлар Германиясининг СССРга қарши уруш плани — «Барбаросс плани»нинг копияси, шунингдек гитлерчи ғалаларнинг йиртқичлик, ваҳшиёна ниятларини фош қилувчи бошқа ҳужжатлар биринчи марта кўрсатилмоқда.

Ана шу планларга зид тарзда ўтган урушда совет халқининг олижаноб мақсадлари ёрқин ифода қилинган. СССР Халқ Комиссарлари Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг 1941 йил 29 июнда фронт яқинидаги областлар партия ва совет ташкилотларига юборган директиваси. Давлат мудофаа комитети раиси И. В. Сталининг 3 июлда радио орқали сўзлаган нутқи (барча совет кишилари ана шу нутқдан бу директиванинг мазмунини билиб олишди), область партия комитетлари, фронтлар ва флотлар ҳарбий кенгашларининг мурожаатлари — буларнинг ҳаммаси совет халқининг Улуғ Ватан урушида олиб борган кураш программасини очиб беради, оммани душманни тор-мор келтиришга сафарбар этишда партиянинг роли нақадар катта бўлганлигини кўрсатади.

Биз музейда қўпгина қаҳрамонларга дуч келамиз. Бу қаҳрамонларнинг номлари довюраклик ва фидокорлик рамзи бўлиб қолди.

...А. Матросовнинг комсомол билети. Командир бу билетга: «Душманнинг ўт очиш нуқтасига ётиб, уни даф этди» деган сўзларни ёзиб қўйган.

...28 панфиловчи қаҳрамоннинг командири — политрук В. Клочковнинг ўз қизчаси Оллан ўтирган фотосурати. Фотосуратга: «Қизимнинг истиқболи учун мен урушга кетаётирман» деган сўзлар ёзиб қўйилган.

...А. Жежеря неча юзлаб гитлерчиларни ер билан яксон қилган пулемет. Қаҳрамон ўлганидан кейин унинг пулемети қисмдаги энг яхши пулеметчиларга берилиб турди.

...Бир жангда душманнинг тўқиз самолетини уриб туширган учувчи А. Горовецнинг партия билети. У 1943 йил 6 июлда ана шундай жасорат кўрсатиб ҳалок бўлди. 13 йилдан кейин — фақат 1957 йилдагина унинг ҳалок бўлган жойини топдилар. Маҳаллий аҳоли Белгород областидаги Зоринский Двори хутори яқинида уриб туширилган самолёт парчалари ва учувчининг жасадини топдилар. Музей ходимлари шошилинч суратда шу жойга жўнадилар. Партия билети билан бирга А. Горовецнинг Қизил Байроқ ордени, пистолети, гвардиячи нишони ҳам топилди. Буларнинг ҳаммаси энди экспозицияга қўшиб қўйилган.

...Бомба парчалари ва ўқлар билан ялма-тешик қилинган 93-торпедо катерининг байроғи. Қораденгизчиларнинг комсомол экипажи ана шу байроқ тагида фашистларнинг торпедо катерларига қарши бир неча бор жанг қилди. Комсомол денгизчилар душманнинг бешкемасини денгизда ғарқ этдилар. Урушнинг охирига бориб уларнинг ҳаммаси коммунист бўлишди, уларнинг ҳаммаси жанговар орденлар билан мукофотланди, командирлари Андрей Черцов эса Совет Иттифоқи Қаҳрамони бўлди.

Бўлиб ўтган жанглар қаҳрамонларининг фикрлари, уларнинг маънавий поклиги ва фикр-зикрларининг олижаноблиги жуда кўп хатларда, ёзишмаларда, кундаликларда бизнинг давримизга етиб келди. Улар жасорат кўрсатиб жанг қилган ишга чексиз ишонар эдилар, Ватанга хизмат қилиш уларнинг энг олий орзуси эди. Долорес Ибаррурининг ўғли Рубен ўз онасига йўллаган хатларидан бирида бундай деб ёзди: «Онажон, сенга такрор айтаманки, буюк енгилмас Қизил Армия сафларида инсоният жандармасига қарши жанг қилиш имкониятига эга бўлганликни ўзим учун шараф деб биламан ва фахрланаман. Мен аминманки, инсоният жандарми бу ерда яксон қилинади, чунки сенга айтганимдек, ҳар бир аёл, ҳар бир эркак қалбида қаҳрамон, большевик яшамоқда. Бу халқ ажойиб халқдир. Баъзан мен уларга жуда қойил қолганлигимни сенга айтмоқчиман. Бундай халқни енгиб бўлмайди». Совет Иттифоқи Қаҳрамони Рубен Ибаррури Сталинград ёнида ҳалок бўлди.

Ўтган уруш қаҳрамонлари — инсониятни фашизмдан қутқазиб қолган совет жангчиларининг хотирасини бутун дунё халқлари ҳурмат билан эслайдилар. Турли мамлакатлардан Совет Армияси номига келган совғалар ана шундан ёрқин далолат бериб турибди. Бу совғалар зўр меҳр-муҳаббат билан ишланган. Булар — байроқлар, маҳорат билан ишланган вазалар, жанговар техника моделларидир. 51-гвардиячи артиллерия полки Чехословакия территориясига кириб келганида Семиле шаҳрининг аҳолиси полкнинг байроғига «Сизнинг тўккан қонингиз учун — бизнинг садоқатимиз» деган ёзуви бўлган лентани тақиб қўйдилар. Бундай совғалар кўп.

Музейда энг катта зал — Ғалаба зали. Бутун урушга мана шу залда якун ясалгандек бўлади, ғалабамизнинг Совет Иттифоқи учун ва бутун инсоният учун қандай аҳамиятга эга эканлиги кўрсатилади. Залнинг қоқ ўртасида ёрқин нурга чўмган бир байроқ турибди. Бу — рейхстаг қуббасига тикилган Ғалаба байроғидир.

Ғалаба байроғининг сопи ёнида 1945 йил май кунлари совет жангчилари хат ёзиб қолдирган рейхстаг деворининг парчалари ётибди. Шулардан бирига катта ҳарфлар билан: «С-т Синев Берлингача етиб келди» деб ёзилган бўлса, иккинчисига: «Сен газандалар Кремлни кўриб бўлибсан, лекин рейхстагинг капут бўлди» деб ёзилган. Бу дастхатларнинг тарихи қизиқ. Тахминан икки йилча бурун Берлининг инглизлар секторида рейхстаг ремонт қилиниб, бошқатдан бўялаётган вақтда, Ғарбий Берлин ишчилари совет солдатлари хат ёзиб қолдирган девор парчаларини қирқиб олишди ва совет қўмондонлигига келтириб беришди. Ҳозир музейда Ғалаба байроғи ёнида ётган бу девор парчалари совет халқига қурол кўтармоқчи бўлган ҳар бир кимсанинг қисмати нима бўлажагини эслатиб турибди.

Ғалаба залининг олдинги деворига фашистларнинг ўлжа қилиб олинган байроқларини В. И. Ленин Мавзолей остига ташлаётган совет солдатларини тасвирловчи жуда катта фотосурат қўйилган. Фашистлар армиясининг қўлга туширилган байроқлари ҳам худди шу фотосурат остида ётибди. Йигирма йил муқаддам жангчиларимиз Ғалаба паради вақтида айни шу байроқларни Мавзолей остонасига келтириб ташлаган эдилар.

Янги музей унинг илмий коллективи, архитекторлар, бинокорлар, рассомлар биргаликда олиб борган катта ишнинг самарасидир. Бино лойиҳасини Марказий военпроект архитекторларидан Б. Г. Бархин, Н. И. Гайгаров ва О. И. Данченколар тузишди. Бинони Москва шаҳар ҳарбий қурилиш бошқармасининг бинокорлари қуришди. Рассомлардан Н. И. Лагишев, А. Н. Мнацаканов, В. Т. Финогенов, Р. Н. Гвоздев ва бошқалар (бадиий раҳбар Е. А. Розеблюм) экспозицияни бадиий жиҳатдан безатишга кўп меҳнат сарфлашди. Р. Р. Кликснинг маслаҳатлари музейни безатишда катта ёрдам кўрсатди.

Янги музейни барпо этиш соҳасидаги ҳамма ишларни амалга ошириш давомида илмий ходимлар коллективи КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институти, СССР Фанлар академиясининг Тарих институти, Бош штаб ҳарбий илмий бошқармасининг ҳарбий тарих бўлими, М. В. Фрунзе номли ҳарбий академия билан В. И. Ленин номли ҳарбий сиёсий академиянинг ҳарбий санъат тарихи кафедралари ҳамда СССР Бадиий академияси ва Совет рассомлари союзидан доимо ёрдам олиб турди. Гражданлар уруши ва Улуғ Ватан уруши ветеранларининг, аввало музей ҳузуридаги ҳарбий-илмий жамият аъзоларининг берган ёрдамларини ҳам таъкидлаб ўтиш керак.

Ғалаба куни арафасида музей томошабинлар учун ўз эшикларини очиб қўяди. Музей Совет Қуролли Кучларининг жанговар шон-шуҳрати ва ҳарбий шавкати учун муносиб ҳайкал бўлишига ишонамиз.

Полковник **Н. НЕМИРОВ,**
СССР Қуролли Кучлари Марказий музейининг бошлиғи
(ТАСС).
Москва шаҳри, 6 май.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

«1941—1945 ЙИЛЛАРДАГИ УЛУҒ ВАТАН УРУШИДА ҚОЗОНИЛГАН ҒАЛАБАНИНГ ЙИГИРМА ЙИЛЛИГИ» ДЕГАН ЮБИЛЕЙ МЕДАЛИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

1. 1941 — 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида фашистлар Германияси устидан қозонилган ғалабанинг 20 йиллигини нишонлаш учун «1941 — 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида қозонилган ғалабанинг йигирма йиллиги» деган юбилей медали таъсис этилсин.

2. «1941 — 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида қозонилган ғалабанинг йигирма йиллиги» деган юбилей медали тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.

3. «1941 — 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида қозонилган ғалабанинг йигирма йиллиги» деган юбилей медалининг тасвири тасдиқлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. МИКОЯН.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1965 йил 7 май.

□ □

«1941 — 1945 ЙИЛЛАРДАГИ УЛУҒ ВАТАН УРУШИДА ҚОЗОНИЛГАН ҒАЛАБАНИНГ ЙИГИРМА ЙИЛЛИГИ» ДЕГАН ЮБИЛЕЙ МЕДАЛИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

1. «1941 — 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида қозонилган ғалабанинг йигирма йиллиги» деган юбилей медали билан қуйидагилар мукофотланадилар:

ССР Иттифоқи Қуролли Кучлари сафларида бўлиб 1941 — 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида қатнашган барча ҳарбий хизматчилар ва ёлланиб ишловчилар составидаги кишилар, Улуғ Ватан уруши партизанлари, СССР Иттифоқи Қуролли Кучларининг бутун шахсий состави, шунингдек «1941 — 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун» медали билан мукофотланган кишилар.

2. «1941 — 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида қозонилган ғалабанинг йигирма йиллиги» деган юбилей медали СССР Олий Совети Президиуми номидан қуйидаги тартибда топширилади:

Ҳарбий хизматчиларга — қўшин қисмлари, қўшилмалари командирлари, муассасалар, ўқув юртларининг бошлиқлари томонидан;

ССР Иттифоқи Қуролли Кучлари сафидан бўшаб кетган кишиларга — мукофотланган киши ва Улуғ Ватан урушининг барча қийинчиликларини ўз бошидан кечирган инсон, жангчи, енгилмас совет халқи энг асосий ўринни эгаллайди.

Биз музейга кирганимизда аввало оқ мармардан ясалган В. И. Ленин бюстида (бюстни ҳайкалтарош В. Цигаль ишлаган) ва шундан кейин мозаик панно ишчилар, олимлар, жангчиларнинг ҳайкалларига кўзимиз тушади. Рассом Ю. Королев ишлаган монументаль композицияда халқ билан армиянинг бирлиги, уларнинг Ленин партияси теварагига жипслашганлиги, коммунизм қурувчиларининг тинч меҳнатини қўриқлашга тайёр турганлиги акс эттирилган. Музей залларига қўйилган барча экспозициялар ана шу гоя билан сугорилган. Хилма-хил ёдгорликлар ва ҳужжатларда Совет Қуролли Кучларини ташкил қилиш ва мустаҳкамлашда, такомиллаштиришда ҳамда шу қуролли кучларнинг ғалабага эришишида В. И. Ленин ва Коммунистик партиянинг роли кўрсатиб берилади.

Музей жанговар байроқлар — Қизил гвардия байроқларидан тортиб гвардиячи полклар ва дивизиялар жанговар мукофотларининг белгилари бўлган орден лентала рин билан безатилган, донг чиқарган байроқларигача жуда кўп байроқлар тўпланганлиги билан ҳақли суратда фахрланади. Бу жанговар мукофотларнинг белгилари ана шу байроқлар тагида жанг қилган минг-минглаб кишиларнинг жасоратини акс эттириб туради. Бу байроқлар ўтган уруш йилларидаги ташвишли вазиятни эсга солади, совет солдатларини жангга отлантирган гоялардан, фикрлардан, жасоратлардан дарак беради.

Гражданлар уруши вақтидан қолган байроқлардан бирида шундай ёзув бор: «Биз, Детско-Сельск коммунистлари инглиз-америка капитализми билан жанг қилиш учун борaётирмиз. Бизнинг шиоримиз — оқгвардиячиларга ўлимдир». Иккинчи бир залда 10-ўқчи дивизиянинг қизил аскарлари 1923 йилда Петроград ҳарбий округининг РКП(б) II округ конференциясига тақдим этган байроғи бор. Улар бу байроққа: «РКП(б), биз сенинг раҳбарлигингда ва сен билан бирга барча тўсиқлардан ўтдик ва пролетар революциясининг тўла ғалабасигача борамиз», деган сўзларни ёзиб қўйган эдилар.

Шу жойнинг ўзида бу байроқлар тагида Совет ҳокимияти учун жангга отланган, гражданлар урушининг кўпгина фронтларида жанг қилган кишиларнинг номлари бор. В. И. Чапаевнинг буркаси ва жанговар қиличи, М. В. Фрунзе, С. М. Будённий, К. Е. Ворошиловнинг фахрий революцион қуроли, гражданлар урушининг командирлари ва комиссарлари — В. К. Блюхер, А. И. Егоров, М. Н. Тухачевский, С. М. Киров, Г. К. Оржоникидзе, И. Э. Якир ва кўпгина бошқаларнинг жанговар ишларини акс эттирган ҳужжатлар ва фотосуратлар ана шу кишиларни эслатиб турибди.

Бутун янги экспозициянинг тахминан ярми тарихда маълум барча урушларнинг энг оғири бўлган Улуғ Ватан урушига бағишланган. Оғир кулфатлар ва ғалаба тантаналарига тўлиб тошган ўша йилларнинг энг йирик воқеалари музейга келган томошабинлар кўз олдида намоён бўлади.

Бу ерда иккинчи жаҳон урушида немис армиялари биринчи марта катта маглубиятга учраганлиги — Москва остоналаридаги Сталинград жанги, Курск дугаси, Днепр, Баренцево денгизидан Қора денгизгача бўлган масофада барча фронтларнинг жадал ҳужуми, жонажон тупроғимиз ҳамда Шарқий ва Шарқи-Жанубий Европа халқларининг озод қилиниши бу ерда акс эттирилган...

Фашистлар Германиясининг СССРга қарши уруш плани — «Барбаросс плани»нинг копияси, шунингдек гитлерчи ғалаларнинг йиртқичлик, ваҳшиёна ниятларини фош қилувчи бошқа ҳужжатлар биринчи марта кўрсатилмоқда.

Ана шу планларга зид тарзда ўтган урушда совет халқининг олижаноб мақсадлари ёрқин ифода қилинган. СССР Халқ Комиссарлари Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг 1941 йил 29 июнда фронт яқинидаги областлар партия ва совет ташкилотларига юборган директиваси. Давлат мудофаа комитети раиси И. В. Сталининг 3 июлда радио орқали сўзлаган нутқи (барча совет кишилари ана шу нутқдан бу директиванинг мазмунини билиб олишди), область партия комитетлари, фронтлар ва флотлар ҳарбий кенгашларининг мурожаатлари — буларнинг ҳаммаси совет халқининг Улуғ Ватан урушида олиб борган кураш программасини очиб беради, оммани душманни тор-мор келтиришга сафарбар этишда партиянинг роли нақадар катта бўлганлигини кўрсатади.

Биз музейда қўпгина қаҳрамонларга дуч келамиз. Бу қаҳрамонларнинг номлари довюраклик ва фидокорлик рамзи бўлиб қолди.

...А. Матросовнинг комсомол билети. Командир бу билетга: «Душманнинг ўт очиш нуқтасига ётиб, уни даф этди» деган сўзларни ёзиб қўйган.

...28 панфиловчи қаҳрамоннинг командири — политрук В. Клочковнинг ўз қизчаси Оллан ўтирган фотосурати. Фотосуратга: «Қизимнинг истиқболи учун мен урушга кетаётирман» деган сўзлар ёзиб қўйилган.

...А. Жежеря неча юзлаб гитлерчиларни ер билан яксон қилган пулемет. Қаҳрамон ўлганидан кейин унинг пулемети қисмдаги энг яхши пулеметчиларга берилиб турди.

...Бир жангда душманнинг тўқиз самолетини уриб туширган учувчи А. Горовецнинг партия билети. У 1943 йил 6 июлда ана шундай жасорат кўрсатиб ҳалок бўлди. 13 йилдан кейин — фақат 1957 йилдагина унинг ҳалок бўлган жойини топдилар. Маҳаллий аҳоли Белгород областидаги Зоринский Двори хутори яқинида уриб туширилган самолёт парчалари ва учувчининг жасадини топдилар. Музей ходимлари шошилинч суратда шу жойга жўнадилар. Партия билети билан бирга А. Горовецнинг Қизил Байроқ ордени, пистолети, гвардиячи нишони ҳам топилди. Буларнинг ҳаммаси энди экспозицияга қўшиб қўйилган.

...Бомба парчалари ва ўқлар билан ялма-тешик қилинган 93-торпедо катерининг байроғи. Қораденгизчиларнинг комсомол экипажи ана шу байроқ тагида фашистларнинг торпедо катерларига қарши бир неча бор жанг қилди. Комсомол денгизчилар душманнинг бешкемасини денгизда ғарқ этдилар. Урушнинг охирига бориб уларнинг ҳаммаси коммунист бўлишди, уларнинг ҳаммаси жанговар орденлар билан мукофотланди, командирлари Андрей Черцов эса Совет Иттифоқи Қаҳрамони бўлди.

Бўлиб ўтган жанглар қаҳрамонларининг фикрлари, уларнинг маънавий поклиги ва фикр-зикрларининг олижаноблиги жуда кўп хатларда, ёзишмаларда, кундаликларда бизнинг давримизга етиб келди. Улар жасорат кўрсатиб жанг қилган ишга чексиз ишонар эдилар, Ватанга хизмат қилиш уларнинг энг олий орзуси эди. Долорес Ибаррурининг ўғли Рубен ўз онасига йўллаган хатларидан бирида бундай деб ёзди: «Онажон, сенга такрор айтаманки, буюк енгилмас Қизил Армия сафларида инсоният жандармасига қарши жанг қилиш имкониятига эга бўлганликни ўзим учун шараф деб биламан ва фахрланаман. Мен аминманки, инсоният жандарми бу ерда яксон қилинади, чунки сенга айтганимдек, ҳар бир аёл, ҳар бир эркак қалбида қаҳрамон, большевик яшамоқда

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ СЪЕЗДИ ОЛДИДАН

МУСИБАТ ВА МАТОНАТ

Ёзувчи Саид Аҳмаднинг «Уфқ» романи китобхонлар эътиборини ўзига тез жалб этди. Китоб устида қизғин баҳслар бўляпти, хилма-хил фикрлар айтиляпти. Бу бежиз эмас. Романнинг ҳам кучли, ҳам заиф томонлари бор.

«Уфқ»да Улуғ Ватан уруши даври воқеалари акс этган. Автор ўша оғир, муқаддас кунларнинг ҳаққоний манзараларини чизишга уринади. Ёзувчи бир томондан, уруш туфайли халқ бошига тушган қийинчилик, жудолик ва дарду аламларни, фашизм ҳарбий жиноятининг хилма-хил мудҳиш оқибатларини рўй-рост кўрсатади, бу билан босқинчилик урушининг антигуманистик моҳиятини фош этиб ташлайди, гуманизм ғояларини олға суради. Иккинчи томондан, совет кишиларидаги уруш туфайли юз берган мусибатларни енгишга қодир бўлган кучни зўр пафос билан кўрсатишга интилади.

Қаҳрамонлар бошига тушган уқубатларни рўй-рост кўрсатишдан кузатилган мақсад фақат урушни фош этишдангина иборат бўлмай, аслида қаҳрамонлар қалбининг ғўзаллигини, қаҳрамонларнинг маънавий камолотини, матонатини ёрқинроқ очиб беришдан иборатдир. Қаҳрамонлар қийинчиликлар, мусибатлар, иштироблар гирдобида кўрсатилар экан, бу гирдоб туманини жуда зўр ёрқин бир нур ёритиб туради. Бу қаҳрамонлар қалбидаги ирода-бардош келажакка, ғалабага ишонч, ҳаётга, одамларга муҳаббат, Ватанга садоқат туйғусидан туғиладиган ҳаётбахш нурдир. Бу нур қаҳрамонларни тушкунлик гирдобига тойиб кетишдан сақлаб қолади, яшашга, курашга, ҳаётнинг катта йўлидан дадил олға боришга ундайди.

Асар қаҳрамонлари Икромжон, Низомжон, Тоға, Зебихон ва Асроралар не-не мусибатларни бошдан кечирмайди дейсиз?! Бироқ уларнинг ҳар бири энг оғир дамларда ҳам одамийлигини — севги-садоқатини, орзу-идеалларини, ишонч-эътиқодини, номусини, қалб поклиги ва саховатини тўлалигича сақлаб қоладилар. Уруш даври қаҳрамонлар учун гўё зўр бир синов ролини ўтайди. Қаҳрамонлар бу зўр ва шафқатсиз синовдан муваффақият билан ўтадилар. Бу синов вақтида социализм шароитида туғилиб шаклланган янги типдаги инсоннинг юксак маънавий фазилатлари жуда ёрқин намоён бўлади. Автор асосий диққат-эътиборни қаҳрамонлардаги ана шу маънавий фазилатларга жалб этади.

Романдаги Икромжон образи — ёзувчининг жиддий ютуғи. У ижобий хислатлар йиғиндисидан ҳосил этилган аллақандай схема эмас, балки ҳаётдаги бор кишиларнинг ёрқин тимсоли.

Бу одамнинг кучли томонлари ҳам, заиф томонлари ҳам кўрсатилган. Ёзувчи бу одам тақдири ва характерида бошқалар учун ибрат бўладиган жиҳатларни кашф эта билган.

Икромжон, аввало пок одам. Унинг фикри-ҳаёли Ватан, халқ ташвиши билан банд. У Совет ҳокимиятини барпо этиш ва қимоя этиш учун мардона курашган киши. Мана шу пок, бегубор, садоқатли одам оиласида нўноқ одам пайдо бўлиб қолади — унинг якғаю ягона ўғли қочқинхоин бўлиб чиқади. Бу ҳол Икромжон қалбига зўр изтироб солади. Икромжон ўғлининг, нурдидасининг нопок одам бўлиб чиққанидан ниҳоятда ғазабланади, ор-номус, виждон азобида куйиб-ёнади. Ўғлини оқ қилади, ортдан уни ўлимга маҳкум этади. Ўғлининг шу хил одам бўлиб чиқишида ўзи ҳам айбдор эканини эътироф этади, мана бу нарса айниқса уни қийнайди: айни вақтда қалбининг қаеридадир оқ қилинган фарзандига нисбатан оталик меҳри зарраларини сақлаб қолади.

Икромжон характери, психологияси ана шу кучли, кескин, мураккаб драматик ҳолатлар аспектида анализ қилинади. Автор бутун асар давомида қаҳрамонини унинг виждони олдида танҳо қолдиради-да, қалбда туғилган виждон туғёнини секин-аста тасвирлаб бораверади. Ёзувчи фақат бу билан чекланмайди. Асар оқимида қаҳрамонини уни виждон азобига солган кимса билан юзма-юз тўқнаштиради.

Бу тўқнашувда ижобий қаҳрамон қалби бутун мураккаблиги, кучли ва заиф томонлари билан яна бир карра жуда ёрқин бир тарзда кўринади. Ёзувчи қисқа бир муддат давомида қаҳрамон руҳида юз берган ички процесслари, кескин ўзгаришларни усталик билан кўрсатади. Икромжоннинг биринчи бор ўғлига кўз тушганда бир дақиқа аввалги ғазаб ва натиробларни унутиб қўйиши, оталик ҳиси қўзғаб кетиб ўғлини бағрига босиши, сўнгра ўғлининг хоинлиги ёдига тушиб уни қўйиб юбориши, муҳаббатнинг нафрат билан алмашиниши, бола доғида ўлиб кетган она қисматидан ўғлининг хабардорлигини билгач, Икромжондаги нафрат ғазабга айланиб кетиши, ўғлини калтаклаши ва, ниҳоят, қочоқ ўғил ортидан ўқ отиши, ўқ тегмагач, бу ҳолатдан таскин топиши — буларнинг ҳаммаси маҳорат билан тасвирланган.

Икромжон фақат жафокаш кимса эмас, олис уфқларни мўлжалга олиб олга интилувчи, қўрқ очиб инсон боласининг ризқини ўйловчи, яратувчи, қурашувчи инсон.

Икромжон образи тасвирида икки муҳим нуқсон бор. Икромжон психологизмини тасвир этишда, ёзувчи гарчи жуда катта меҳнат қилган бўлса-да, бир хилликка йўл қўйган. Икромжон қалби нуқул қочоқ ўғил ҳақидаги ташвишлар вазиятида очилади, қаҳрамоннинг бошқа вазиятлардаги кечинмаларига кам эътибор берилади. Ҳолбуки, Икромжон — роман қаҳрамони, айтиш мумкинки, романнинг бош қаҳрамони. Роман жанрининг имкониятлари кенг. Асар ёзувчининг биринчи романи бўлгани, авваллари кўпроқ ҳикоячиликда ижод этгани учунми, характерлар тасвирида ёзувчи жанр имкониятларидан етарли фойдалана олмайди, қиқосий жанри имкониятлари доирасида иш кўради. Яна бир нуқсон шуки, роман автори Икромжон изтиробларини тасвирлашда баъзан мезёрдан четга чиқиб кетади, айрим ўринларда Икромжонни ўта сентиментал ҳолатларда кўрсатади.

Романда яна бир қатор мунозарали моментлар бор. Иноят оқсоқол образида сатирик бўёқ ҳаддан ташқари қуюқлашиб кетган, у роман қаҳрамонини эмас, кўпроқ фельетон қаҳрамонини эслатади. Она образида гражданлик туйғуси етишмайди. Низомжон образига юкланган ғоявий нагрузка хийла енгил. Асар сюжетида далиллашга муҳтож ўринлар учрайди. Хуллас романда қиёмига етмаган моментлар анчагина. Роман устида баҳслар давом этаётганлигининг сабаби ҳам ана шунда. Ана шундай камчиликлар бўлишига қарамай роман Саид Аҳмад ижодида олға қўйилган қадам. Энг муҳими, асарни китобхонлар илиқ кутиб олди. Бу нарса ёзувчига қувонч ва куч бахш этади, айни вақтда унинг эҳтиросига катта масъулият юклайди. Буни чуқур ҳис этган автор китобхонларнинг, адабий жамоатчиликнинг мулоҳаза ва истаклари асосида роман устида ишни давом эттиряпти.

Умарали НОРМАТОВ,
филология фанлари кандидати.

Султон АКБАРИЯ.

ҚУЁШ КУЛАР...

Қуёш кулар...
Рангдор толасидан
Мўъжизакор қўшиқ ўраман.
Гулларнинг оқ шалоласида
Шодлик қайнашини кўраман.

Табиатнинг истараси иссиқ,
Ўйинчидай қилар ноз, муқом.
Олам қизиқ, жуда ҳам қизиқ,
Ҳар жилваси — порлаган илҳом!

Баҳор шундай ўйинқароқми ё,
Мунча ял-ял ёнади ҳусни.
Қайдан олди олифта дунё
Мунча зарни, бўёқни, туси,

Балки инсон табассумин чўғи
Ғўзал ҳаёт эскизи булар...
Юрагимда байрам қўшиғи
Қуёш билан шарақлаб кулар.

ШЕЪРНИНГ ТУҒИЛИШИ

Шеър —
Ўт билан сув,
Ғалати реакция.
Уни мисқоллаб олар
Талабчан редакция.
Бир мисра гоҳ тонггача
Қийнаб қилади хуноб.
Шеър — шодлик ёмғири,
Олов аралаш гулоб.
Ҳа, қийин бўлар ҳарвақт
Боланинг туғилиши.
Шеър —
Ўт билан сувнинг
Тўқнаш келиб кулиши.

ТАБАССУМ УЧУН РАҲМАТ

Бугун баҳорданмас, азиз
одамдан
Бир дунё табассум йиғиб
оламан.
Ҳар куни бир варақ шеър
битиш учун,
Қалбларга байтимни беркитиш
учун
Ғунча дудоқларнинг, ширмой
юзларнинг,
Қуюқ киприкларнинг, хумор
кўзларнинг,
Табассуми, завқи учун севгим
зор.
Миллион табассумга умрим
харидор.
Бугун намойишда роса
қувонган,
Жонон атлас кийган қизу
жувондан,
Ота-она билан амма-холадан,
Бувисин етаклаб чиққан
боладан
Шодлик ва табассум йиғиб
оламан,
Юртдан шеър қарздор бўлиб
қоламан...
Бугун ҳадя этинг табассум
фақат.
Одамлар, сизларга олдиндан
раҳмат!

ПЛАНЕТАМИЗДА

ХАЛҚАРО ОБЗОР

ХАЛҚЛАР ТАЛАБИ

Н. С. АЛЕКСЕЕВ,
юридик фанлари доктори

◆ ◆

Ўзгаларнинг ерларини босиб олишга, Шарқни «германдаштириш»га ҳамда инсонга нафрат билан қаровчи идеологияга асосланган фашист ҳукмронлигини ўрнатишга уринган гитлерчи босқинчиларнинг тор-мор келтирилганлиги ҳозирги замон тарихининг энг муҳим воқеасидир. Бутун дунё ана шу тарихий ғалабанинг йигирма йиллигини нишонлаш арафасида турибди.

Нацистларнинг тинчликка ва инсониятга қарши қилган оммавий ҳарбий жиноятлари бутун дунёга маълумдир. Гитлерчилар барпо қилган концлагерларнинг ўзидагина 18 миллионга яқин киши сақланди, 11 миллиондан ортиқ граждан қириб ташланди. Фашизм тор-мор келтирилгандан буён орадан йигирма йил ўтди. Бироқ, нацист жиноятчиларни жазолаш масаласи ҳамон инсоннятни қаяжонга солмоқда.

Маълумки, Ғарбий Германия территориясида ҳарбий жиноятчиларни жазолашнинг умуман ижчиллик билан амалга оширилмади. Гитлерчиларнинг оғир жиноятларини ўз вақтида тўла текшириш ўрнига Бонн маъмурлари нацистларни адолатли интиқомдан сақлаб қолишнинг турли воситалари ва методларини қидирдилар ва қидирмоқдалар.

Маълумки, Германия Федератив Республикаси ташкил этилгач, Людвигсбург шаҳрида нацистлар жиноятини текшириш юзасидан махсус марказ тузилди. Бироқ, унинг фаолияти территориал прокурорларга топшириш учун тегишли материаллар тўплаш билан чегаралаб қўйилди. Бироқ, бундай материаллар тўплаш ҳам йиллаб чўзилиб кетди, бу эса кўпгина нацистларга жазодан қутулиб қолиш имконини берди. Ушбу марказ 1963 йилга қадар 672 жиноий ишни текширди ва 463 ишни прокурорга оширди, холос.

Фашист Германияси таслим бўлгандан сўнг фақат мамлакатнинг шарқий қисмидагина нацист жиноятчилар изчиллик билан қидирилди ва уларга тегишли жазо берилди. Яқинда бўлган матбуот конференциясида Германия Демократик Республикасининг бош прокурори айтганидек, 1945 йил майидан 1964 йил декабрига қадар ГДР территориясида ҳарбий жиноят ва инсониятга қарши жиноят қилганлиги учун 12807 киши устидан ҳукм чиқарилди. Фақат 1959 йилдан 1964 йилгача ҳарбий жиноят ҳақидаги 113 иш юзасидан Ғарбий Германия юстиция органларига ҳуқуқий ёрдам берилди. 1964 йил сентябрь ойида Германия Демократик Республикасида жавобгарликка тортиш муддати тинчликка, инсониятга қарши жиноят қилган шахсларга татбиқ қилинмаслиги тўғрисида махсус қонун қабул қилинди.

Германия Федератив Республикасида ҳукмрон тузумнинг сиёсий душманларига, хусусан милитаризация ва реваншизм душманларига қарши қаратилган махсус қонунлар амал қилиб турибди. 1951 йил 30 августда жиноят кодексини ўзгартиш ҳақидаги 1-қонун ва 1957 йил 11 июнда қабул қилинган 4-қонунлар ана шулар жумласидандир. Бироқ, Германия Федератив Республикасида ҳарбий жиноятчиларни суд жавобгарлигига тортишни кўзда тутадиган қонунлар йўқ. Бундай жиноятчилар 1871 йилда қабул қилинган Жиноят кодексининг 211-моддасига мувофиқ жазоланмоқда. Бу моддада ёвуз ният билан одам ўлдирганларга қандай жазо берилиши айтилган, холос. Шундай қилиб, Германия Федератив Республикасида мавжуд қонунларга мувофиқ, бир кишини ўлдирган ҳам, юзлаб ва минглаб кишиларни ўлдирган қотиллар ҳам бир хил жавобгарликка тортилади. Тўғри, ҳозир ГФР Жиноят кодексига геноцид, яъни кишиларнинг миллий, социал, ирқий ва диний белгиларига қараб ўлдирилиши учун жиноий жавобгарликка тортиш кўзда тутилган 220-а моддаси киритилган. Бироқ, халқаро конвенцияга мувофиқ Жиноят кодексига киритилган бу моддада нацист қотилларга нисбатан татбиқ этилмайди. Чунки, бу қонун орқа кучга эга эмас. 1962 йилда Локкум шаҳрида бўлиб ўтган Евангелия академияси конференциясида манхеймлик прокурор Барбара Юст-Дальмац айтганидек, Германия Федератив Республикаси судьялари кишиларни оммавий равишда қирғин қилган қотилларга жазо бериш вақтида ўлдирилган ҳар бир киши учун 10 минут қамоқ жазоси бермоқдалар ёки бир марка штраф солмоқдалар.

Нацистлар жинояти юзасидан Ғарбий Германияда олиб борилаётган суд ишларининг характерли томони шундаки, ана шу жиноятларнинг иштирокчилари ва ташкилотчилари бўлган йирик чиновниклар, генераллар ва саноат эгалари одатда жавобгарликдан қутулиб қолмоқдалар.

Ҳарбий жиноятлар тўғрисида эълон қилинган жуда кўп материаллар ҳамда суд процесслари давомида нацистлар қилган жиноятларнинг ташкилотчилари ва илҳомчилари устидан тўпланган далиллар «ёзув столи ёнида» жиноят қилган шахсларни жавобгарликка тортиш проблемасини янада актуал қилиб қўймоқда. Масалан, Ғарбий Германия ҳукуматида масъул лавозимни эгаллаб келган статс-секретарь Глобке шахсан ўзи ҳеч кимни ўлдирган эмас, лекин фашистларнинг у ишлаб чиққан ва шарҳлаб берган «ғаразданлик қонунлари» фашизмнинг инсониятга қарши қаратилган кўрсатмаларининг амалга оширилишига ёрдам берди. «Ирқий тенгсизлиги учун» миллионлаб кишиларнинг қириб юборилишига олиб келди.

Шахсан одам ўлдирмай, аслида минглаб кишиларни қатл этишга қаратилган буйруқлар ва кўрсатмалар берган, оммавий қотилликдан иборат бўлган фашист тузуми устида турган шахсларни жавобгарликка тортишдан воз кечиш юридик жиҳатдан бутунлай асоссиздир. Машҳур Аргентина юристи Хуан Батисто Альберти XIX асрдаёқ уруш жиноятлари учун жавобгарлик тўғрисида гапириб, шундай деб ёзган эди: «Ўлдириш ҳақида буйруқ берган ёки ўлдиришга чақирган киши ҳам қотилдир. Кимки одам ўлдиришга рухсат берса, ёки одам ўлдириш учун киши ёлласа, у қотилдир. Кимки талончиликка рухсат берса ва талончилик билан яшаса, у талончидир. Кимки уйларга ўт қўйса ва денгизда қароқчилик қилса у қароқчидир. Қотиллар, талончилар ва бандитларга тож-тахт эмас, дор лойиқдир...».

Ғарбий Германия суд практикасида эса шундай бўлмоқдаки, жиноий буйруқлар берган кишилар жавобгарликка тортилмай қолаётир, бундай буйруқларни бажарган кишилар «ўз бурчини бажарган» деган баҳона билан етарли жазо олмай қолаётир.

Шу билан бир вақтда нацист жиноятчиларни фош қилган кишилар таъқиб остига олинмоқда. Масалан, Немис Тинчлик иттифоқи партияси директораттининг аъзоси Лоренц Кнорреннинг иши уч йилдан буён чўзиб келинмоқда. У ўз нутқларидан бирида конкрет материалларга асосланиб, беш гитлерчи генерали кишиларни оммавий равишда ўлдиришда айблаб, қотил деб атаган эди. Шундан сўнг уни «таҳқир этиш»да айбладилар. Мюньхен ва Франкфурт судлари бу ясама «жиноий иш»ни кўришдан бош тортганларидан кейин Золинген прокурори бу ишни ўз қўлига олди. Ҳолбуки, Чехословакияда тузилган ҳарбий жиноятчилар рўйхатида худди шу прокурорнинг номи «а-38/87» сон билан ёзиб қўйилган.

Нацистлар билан актив ҳамкорлик қилган ҳамда гестапочилар билан биргаликда жиноий ишларда қатнашган саноат эгаларининг жинояти етарли текширилмаяпти. Масалан, Освенцим концлагерида қилинган жиноятлар юзасидан Франкфурт шаҳрида 1964 йил январь ойида бошланган суд процессида саноат фирмалари вакиллари Ғарбий Германия прокуратурасига топширди, Германия Демократик Республикаси юстиция органлари ҳам ҳозирги статс-секретарнинг жиноятларини фош қилувчи ҳужжатларни топширди. Кобленц шаҳрида бўлган судда Виалон гувоҳ тариқасида сўроқ қилинди, у тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳақиқий эканлигини тан олди. Бироқ, кишиларнинг оммавий ўлдирилиши фактларидан бехабар эдим, деб туриб олди. Шундай қилиб у адолатли интиқомдан қутулиб қолмоқда.

Германия Федератив Республикасида суд-тергов ишлари жуда секинлик билан олиб борилаётир. Масалан, Освенцим жаллодлари устидан ўтказилаётган суд бир йилдан кўпроқ давом этмоқда.

Кўпинча, Ғарбий Германия маъмурлари социалистик мамлакатларнинг ҳуқуқий ёрдам кўрсатишларига тўсқинлик қилмоқда ва нацистларнинг жиноятларини исботловчи материалларни суд ишларига қўшмаётир. Масалан, Германия Демократик Республикаси бош прокурори юборган жуда кўп ҳужжатлар, жумладан, фашист юристларининг жиноий фаолияти ҳақидаги ҳужжатлар оқибатсиз қолдирилди.

Освенцим лагери маъмурияти юзасидан 1964 йил сентябрь ойида ўтказилган судда немис ҳужжатларининг бир қисмигина қабул қилинди. Бу лагерь озод қилингандан сўнг 1-Украина фронти ҳарбий прокуратураси ўтказган терговлар натижасида тўпланган жуда кўп материалларни суд ишига қўшиш ҳақидаги таклиф оқибатсиз қолдирилди.

Нацист жиноятчиларнинг ишлари юзасидан берилган материаллар ана шундай оқибатсиз қолиб кетмоқда. Лекин Германия Федератив Республикаси ҳукумати 1964 йилнинг 5 ноябрдагина барча ҳукуматларга ва кишиларга мурожаат қилиб, нацист жиноятчилар ҳақидаги материалларни 1965 йил 1 мартга қадар тақдим этишни сўради.

1871 йилда қабул қилинган Жиноят кодексининг 1-қисм 67- моддасига мувофиқ нацистларнинг иккинчи жаҳон уруши даврида қилган жиноятлари учун уларни жавобгарликка тортиш муддати 1965 йил 9 майда тугайди. ГФР ҳукумати гитлерчи нацистларни жавобгарликка тортишни шу билан бутунлай тўхтатиб қўйишга уриниб кўрди. Бутун прогрессив инсоният Бонн маъмурларининг бу ниятларига қарши қаттиқ норозилик билдирди. Шунга қарамай, Германия Федератив Республикаси парламенти — бундестаг нацист ҳарбий жиноятчиларни суд жавобгарлигига тортиш муддатини 1969 йил 31 декабргача узайтириш ҳақида қонун қабул қилди. Яқинда ГФР президенти ана шу қонунни имзолади.

Жамоатчилик тазйиқи остида қабул қилинган бу қонун ҳам нацист ҳарбий жиноятчиларни адолатли интиқомдан қутқариб қолишга қаратилгандир. Чунки бундестаг қабул қилган қонун умрбод қамоқ жазоси берилиши лозим бўлган шахсларга нисбатангина татбиқ этилади. Бу қонунга мувофиқ бошқа барча жиноятчи фашист жаллодларнинг тинчлик ва инсониятга қарши қилган жиноятлари кечиб юборилади.

Совет ҳукуматининг шу муносабат билан эълон қилган баёнотида шундай дейилади: Совет ҳукумати ўзининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларига мувофиқ равишда, нацист ҳарбий жиноятчиларни фош қилиш ва жазолаш учун тегишли чораларни кўраверади. Ана шу жиноятчиларнинг ҳар бири устидан одил судлов ўтказилмагунча, Совет ҳукумати бу ишни давом эттираверади.

Гитлерчиларнинг жинояти барча халқларнинг, бутун инсоннятнинг туб ҳаётий манфаатларига қарши қаратилган эди. Нацист жиноятчилар— даҳшатли ёвузликларнинг айбдорлари адолатли интиқомдан қочиб қутулмаслиги керак. Бир қатор халқаро битимларда нацист жиноятчиларни албатта суд жавобгарлигига тортиш кўзда тутилган. Ҳарбий жиноятчиларни изчиллик билан жиноий жавобгарликка тортиш ҳақидаги талаблар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош ассамблеясининг 1946 йил 13 февралдаги 263- резолюцияси билан халқаро ҳуқуқ принципи тариқасида тасдиқлангандир. Бу халқаро битимларга мувофиқ, ҳарбий жиноятчиларни фош қилиш ва жазолаш Германия Федератив Республикаси ва бошқа давлатларнинг ҳам бурчидир.

Гитлерчи жиноятчиларни жавобгарликка тортиш проблемаси фақат юридик эмас, балки сиёсий проблема ҳамдир. Суд жавобгарлигига тортиш муддати ўтиб кетганлигини баҳона қилиб, нацист жиноятчиларни оқлаб юбориш реваншчилик фаолиятининг кучайишига олиб келиши, иккинчи жаҳон уруши давридаги каби жиноятларнинг яна такрорланишига маънавий стимул бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам жаҳон халқлари ҳарбий жиноятчилар қаерда бўлишларидан ва қачон тутиб олинишларидан қатъи назар, уларни қаттиқ жазолаш керак, деган адолатли талабни қўймоқдалар.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

ИНСОНИЯТ ҒАЗАБИ

ВДР

ХАНОЙ. Вьетнам Демократик Республикасининг Ташқи ишлар министрлиги баёнот эълон қилди. Министрлик бу баёнотида Америкининг Доминикана Республикасига қарши қуролли агрессиясини қатъий қоралади. Вьетнам халқи ва Вьетнам Демократик Республикасининг ҳукумати, дейилади баёнотда, Жонсон ҳукумати ана шу қароқчиларча ҳужумларни дарҳол тўхтатсин, Америка қўшинларини Доминиклана Республикасидан тезликда олиб чиқиб кетсин ва Доминикана халқининг ўз ишларини ўзи ҳал этиши учун имконият берсин, деб талаб қиладилар.

АҚШ

НЬЮ-ЙОРК. «Нью-Йорк таймс» газетаси американик нашир Лайл Стюартнинг президент

АМЕРИКАЛИК АГРЕССОРЛАР, ДОМИНИКАНА РЕСПУБЛИКАСИДАН ТУЁҒИНГНИ ШИҚИЛЛАТИБ ҚОЛ!

Жаҳон жамоатчилиги АКШнинг Доминикана Республикасидаги интервенциясига қарши тобора қаҳр-ғазаб билан норозилик билдирмоқда. Жаҳон халқлари Америка ҳарбийларининг Латин Америкасидаги кичик мамлакатга қарши қилаётган қабиҳ ҳаракатларини қоралаб, янкилар Доминикана Республикасидан тўёғингни шиқиллатиб қол, деб талаб қилмоқдалар.

Жонсонга ёзган очиқ хатини босиб чиқарди. Бу хатда Американинг Доминикана Республикасидаги интервенцияси қораланади. Стюарт Қўшма Штатлар ўттиз икки йил мобайнида Трухильонинг диктаторлик режимини қурол-яроғ ва миллионларча доллар ёрдами билан қўллаб-қувватлаб ва ҳимоя қилиб келганлигини президентга эслатиб ўтади. Трухильо минг-минглаб ўз ватандошларини қийнаган ва ўлдирган бир пайтда, биз Америка денгиз пиёда аскарларини юборишимизга сабаб нима? — деб савол беради Стюарт.

Мактубнинг автори хатининг охирида қуйидагиларни ёзади: АҚШ ошкора интервенцияни оқлаш учун революция гўё «коммунистлар қўлига ўтди» деб сийқаси чиққан гапларини такрорламоқда.

президент жаноблари, ағдариб ташланган ҳарбий диктатураларни қутқазиш учун денгиз пиёда аскарларини юборишимизга сабаб нима? — деб савол беради Стюарт.

Мактубнинг автори хатининг охирида қуйидагиларни ёзади: АҚШ ошкора интервенцияни оқлаш учун революция гўё «коммунистлар қўлига ўтди» деб сийқаси чиққан гапларини такрорламоқда.

ЧИЛИ

САНТЬЯГО. Чили ташқи ишлар министри Габриэль Вальдес ҳукмрон христиан — демократлар партиясининг йиғилишида менинг мамлакатим «АҚШнинг Доминикана Республикасидаги интервенциясига қарши чиқади», деди.

Министр яна айтдики, Америка давлатлари ташкилотининг Санто-Домингога юборган комиссияси «амалий жиҳатдан ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас». Министрнинг фикрича, Америкааро системани «тубдан ўзгартириш керак». Доминикана Республикасидаги воқеалар шуни талаб этади. (ТАСС).

РЕКЛАМА • ЭЪЛОНЛАР • РЕКЛАМА • ЭЪЛОНЛАР

Радио

8 МАЙДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Таниш оҳанглар. 9.30 — Кичик концерт. 9.50 — «Совет халқининг буюк ғалабаси» (тож.). 10.10 — Д. Шостаковичнинг «Беш нечаю, беш кундуз» номли кинофильмга ёзган куйларидан парчалар. 10.30 — Ўрта Осиё республикалари халқларининг қўшиқ ва рақслари. 11.10 — «Буюк ғалабанинг 20 йиллигига». 11.25 — Дутор ва танбур тароналари. 12.15 — Спорт эшиттириши (рус.). 12.50 — «Мардлар ҳақида қисса» (Белоруссия радиоси эшиттириши). 13.40 — Концерт. 16.15 — Ёшлар учун мусиқали соат. 17.20 — Уйғур куйлари. 18.00 — «Алангали йиллар қиссаси» (Буюк ғалабанинг 20 йиллиги олдидан). 18.30 — Концерт. 19.20 — Озарбайжон куйлари. 20.00 — Ёшлар учун. 20.15 — «Қўшиқ инсонга мададкор» (рус.). 21.00 — Ғалаба байрамига бағишланган тантанали йиғилиш (Кремль Съездлар саройидан).

Телевидение

8 МАЙДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — Ғалаба кунининг 20 йиллигига. **Она** (мактаб ўқувчилари учун телеинсценировка). 18.35 — **Солдатлар билан ёнма-ён дозорда** (телефильм).

Рус тилида: 19.00 — **Ғалаба кунининг 20 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт** (Санъат саройидан), танаффус вақтида — **Телевизион янгиликлар.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Фрунзе телестудияси эшиттиришлари.**

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 8/V да **Мирзо Улуғбек**, 9/V да кундуз ва кечқурун **Сарвқомат дилбарим.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 8/V да **Ўғил уйлантириш**, 9/V да кундуз соат 12 да **Малиновкада тўй**, кеч 8 яримда **Гули снёх.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА
9 май кундуз соат 2 ва кеч 8 да

Байрам концертлари

Концертларда: СССР халқ артистлари **Ҳалима Носирова, Галия Измайлова**, Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Жамол Низомхўжаев, Клара Юсупова**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Эргаш Йўлдошев, Авнер Бараев, Асад Азимов**, солистлардан **Олия Шайхисламова, Севилья Ҳайбуллаева, Раиса Хўжасидова, Раъно Ҳидоятова, Анвар Рустамов, Хайрулла Хўжаевлар** қатнашади.

Билетлар сотилмоқда.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА
(ёзги бино)
9 майда

КАТТА КОНЦЕРТ

Концертда: Ўзбекистон ССР халқ артисти **Фарогат Раҳматова**, Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артистлар **Тамара Назарова, Ҳамза Умаров, Бахтиёр Ихтиёров**, солистлардан **Наима Исоқова, Толибжон Бадинов, Адиба Мирзаева, Марям Каримова, Шерали Пўлатов, Ҳадя Юсупова, Анвар Рустамов, Сотволди Йўлдошев, Гулшод Отабоева** ва театрнинг солист ўйинчилари қатнашади.

Ўзбек халқ чолғу ансамбли жўр бўлади.

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА
9 майда
ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ ВА ЭСТРАДА АРТИСТЛАРИНИНГ
Ғалаба кунининг 20 йиллигига бағишланган

концерти

Концертда: Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Ғулом Абдураҳмонов, Шаҳодат, Раҳимова**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Қундуз Миркаримова, Дилором Шерова**, солистлардан **Қувондиқ Искандаров, Исҳоқ Катаев, Зонир Султонов, Сора Шукурова, Тўхон Қодирова, Дилбар Фаёзова, Ойхон Ёқубова** ва Ўзбек халқ чолғу ансамбли қатнашади.

Программани Бутуниттифоқ театрлар фестивали лауреати **Зайтуна Тожибоева** ва **Ғулом Тожиаъзоев** олиб боради.

Концерт кеч соат 8 да бошланади. Билетлар Эстрада театрида кундуз соат 2 дан ва район кассаларида соат 12 дан сотилади.

БИРЛАШГАН НАШРИЁТГА
печатниклар, линотипчилар, вентиляция слесарлари, печатник ихтисосига ўргатиш учун шогирдлар (эрнаклар), ёрдамчи ишчилар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, 3-қават, 72-хона.

Тошкентдаги
З-ПИВО ЗАВОДИГА
юкчилар ва цехларга ишчилар (аёллар)

КЕРАК

Киров район, Қорақалпоқ кўчаси, 21-уйда кадрлар бўлимига учрашилсин.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Профтехника таълими давлат комитетининг
ТОШКЕНТ ИНДУСТРИАЛ ТЕХНИКУМИ
1965/66 ўқув йилида
КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРНИНГ:
саноат. усунасини монтаж ва ремонт қилиш, металларни қирқиб ишлаш, саноат ва граждан бинолари қурилиши ихтисосларига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Кундузги бўлимга қабул қилинганлар тўла давлат таъминотида бўлади.

Кундузги бўлимга кириш имтиҳонлари 1 августдан 20 августгача, сиртқи бўлимга — 1 июндан 20 июнгача ва 1 сентябрдан 20 сентябргача ўтказилади.

Ариза бериш учун адрес: Тошкент шаҳри, 4-Сарикўл тупик, 1-уй.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.
ИНДЕКС 64543 № В 106. Р. 01909.